

Шаббон ойи охирлаб, муборак Рамазон ойи бошланишига ҳам санокли кунлар қолди. Мумин қалблар уни интиқиб кутган эди. Зеро, у мўминнинг жисман ва руҳан покланиш фурсати. Йил давомида нозиклашиб қолган аъзолар унда қайта қувват олади.

Бу арафада Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг саҳобаларга қарата қилган хитоблари гуё бугунгидек жаранглайди. Унинг баракотидан биз ҳам баҳраманд булишимиз учун қайтадан бир ёдга олгимиз келди.

РАСУЛУЛЛОҲНИНГ (с.а.в.) РАМАЗОН АРАФАСИДАГИ ХУТБАЛАРИ

«Эй инсонлар! Буюк ва муборак ой сизларга яқинлашмоқда. У ойда минг ойдан яхши бир кеча бор. Аллоҳ таоло у ой рўзасини фарз, тунларидаги ибодатни суннат қилди. У ойда ким Аллоҳга яқинлаштирадиган эзгулик қилса, ун-

култум сув ё айрон билан ифтор берган кишига Аллоҳ таоло бу савобни беради», дедилар ва яна давом этдилар:

«У шундай ойки, аввали раҳмат, ўртаси мағфират ва охири дўзах ўтидан омонликдир. Кимки бу ойда ўз қули ё жориясига енгиллик берса, Аллоҳ таоло унинг гуноҳларини кечиради ва дўзах ўтидан омон қилади. У ойда бу тўрт хислатни кўпайтиринг. Унинг иккиси билан Раббингизни рози қиласиз, иккиси эса, ўзингизга жуда зарурдир. Раббингизни рози этадиган

Одам боласининг рўзадан бошқа барча амали ўзигадир. Рўза менгадир. Унинг мукофотини ўзим бераман.

Хадиси кудсий

дан бошқа ойда адо этган бир фарз даражасини топади ва у ойда бир фарзни адо этган киши бошқа ойда етмиш фарз адо этган каби бўлади. У ой сабр ойидир. Сабрнинг савоби жаннатдир. У кўмак ва ёрдам ойидир. У ойда мўминнинг ризқи кўпайтирилади. У ойда ким бир рўзадорга ифторлик берса, гуноҳларига мағфират бўлади, дўзах ўтидан ўзини қутқаради ва рўзадорнинг ажридек ажрга эга бўлади. Рўзадорнинг ажридан эса ҳеч нарса камаймайди».

Шунда саҳобалар: «Ё Расулуллоҳ! Рўзадорга ифтор беришга ҳар биримиз ҳам қодир эмасмиз», дедилар. Бунга жавобан Расули Акрам соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Рўзадорга бир хурмо ё бир

икки хислат: «Ла илаҳа иллаллоҳ», деб гувоҳлик беришингиз ва Ундан мағфират тилашингиздир. Сизга зарур бўлган

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «Ким Рамазон рўзасини имон-ишонч билан ва савобидан умид қилиб тутса, олдинги гуноҳлари мағфират қилинади».

Бухорий ривояти

икки хислат эса, Аллоҳдан жаннатни ва дўзах азобидан сақлашини тилашингиздир. Ким бир рўзадорнинг чанқоғини қондирса, Аллоҳ таоло унга ҳовузидан бир қултум ичкизади ва у жаннатга киргунча чанқамайди».

МУНДАРИЖА

Кутлуг қадам Расулulloҳнинг (с.а.в.) Рамазон арафасидаги хутбалари	1
Рамазон таърифи Фаррух БЎТАЕВ Янги бир олам	5
Рамазонни қаршилаб Баҳодир НУРМУҲАММАД Узгача бир ой	6
Бугуннинг гапи Зулайхо АЛИМОВА Жамиятда адолат	9
Бугуннинг гапи Террор – кишилик ҳаётига умумий хавф	10
Ибротли воқеалар Раҳматидан умидворман	13
Тасаввуф Баҳриддин УМРЗОҚОВ Валийлик тушунчаси	14
Ривоят Аллоҳнинг фазли ва раҳмати	17
Имомларимиз билан суҳбатлар Салоҳиддин қори МУҲИДДИН Эр хотиннинг пасиҳатгуйидир	18
Имомларимиз ижодидан Анвар ТУРСУН Сенга қуллик учун келдим	20
Қуръон ва фан Қудрат ДЎСТМУҲАММАД Етти осмон, ер ва улардаги бор жонзот	22
Хотира Аҳмад МУҲАММАД ТУРСУН Устоз Собитхон Тура	24
Шеърят Азиз АБДУРАЗЗОҚ Мен Аллоҳдан қурқиб яшайман	25
Тобеишлар ҳаётидан лавҳалар Урва ибн Зубайр	26
Адабий таҳлил Маҳкам АНДИЖОНИЙ Шокирхон ШОДМОНХЎЖА ўғли Мардона бул, ев бил елғонши	28
Дам олиш саҳифаси Мухлиса ҲАБИБУЛЛОҲ қизи Бошқотирма	32

بِسْمِ اللّٰهِ الرَّحْمٰنِ الرَّحِیْمِ

**Журналимиз саҳифаларида
оят ва ҳадислар берилаётгани
учун уни ноҳоиз жойларга
ташламаслигингизни сўраймиз**

Бир оят тафсири
Уста ОЛИМ

РЎЗА ОЯТИ

Рамазон оyi барча самовий китоблар нозил этилган ой сифатида ҳам шараф ва мақтовга лойиқдир.

Мусулмон одоби
Муҳаммад СИДДИК

ПОКЛИК ИМОННИНГ БИР ҚИСМИ


ҲУСЛ

Ҳуслнинг уч фарзи бор:

- 1) оғизни халқумигача ювиш;
- 2) бурунни ачитиб чайиш;
- 3) баданнинг қолган барча қисмини ювиш.

Рамазон иқлимлари

МИСРДА РАМАЗОН



Ифтор пайти яқинлашганда шаҳар кўчаларида рўздорларга таом тайёрлаб, савоб қозониш ниятидаги кишилар ва жамоалар тарафидан «Раҳмон дастурхони» деб номланувчи зиёфатлар уюштирилади.

Имомларимиз ижодидан
Анвар ТУРСУН

20

Сенга қуллик учун келдим

Жабрдан жонга ниш урдим,
мудом исён билан юрдим,
Дариғо, қалбни ўлдирдим,
надоматлар қилолмасман.

Сўранг, жавоб берамиз

21

Бир саволим бор

Жума намозининг фарз бўлиши оят, ҳадис, саҳобалар, тобеинлар ва мужтаҳидларнинг ижмоси билан собит бўлган ва қиёматгача амалдадир.

(«Фатавои Жунг»)

Рамазон фиқҳи

28

РЎЗА ҲАҚИДА БАЪЗИ МАСАЛАЛАР

Рамазон рўзасига, белгиланган назр ва нафл рўзаларига куёш ботгандан бошлаб то шаръий куннинг ярмигача ният қилиш мумкин. Куннинг ярми ўтса, ният вақти ўтган бўлади.



Тафаккур
Тоҳир МАЛИК

30

ШУДРИНГ ТОМЧИЛАРИ

Севимли ёзувчимиз Тоҳир Малик кўп йиллар давомида ён дафтарчаларига тушган қайдларини тўплаб, бир китобча ҳолига келтирибдиларки, биз уларни роҳатбахш шудринг томчиларига ўхшатдик ва шундай деб номладик.

«HIDOYAT»

Ойлик диний-ижтимоий,
илмий-адабий нашр

Муассис

Ўзбекистон мусулмонлари идораси

Бош муҳаррир

Нуруллоҳ МУҲАММАД РАУФХОН

Таҳрир ҳайъати

Абдурашид қори БАҲРОМ
Фозил қори СОБИР
Абдулазиз МАНСУР
Абдураззоқ ЮНУС
Анвар ТУРСУН
Муҳаммад Шариф ЖУМАН
Юсуфжон ИСХОҚ
Эркин МАЛИК
Сирожиддин АҲМАД
Абдуқаюм ҲИКМАТ
Нуриимон АБУЛҲАСАН
Абдулжалил ХУЖАМ
(Бош муҳаррир уринбосари)
Исомиддин ОЛИМ ШАЙХ

Муқовани

Абдулбоқи ҳожи ИМОМХОН угли
тайёрлади.
Бадий муҳаррир
Хайруллоҳ ҚУДРАТУЛЛОҲ угли
Таргибловчи
Қудрат ЖУМА угли
Компютерчи
Мунира МАСЪУДАЛИ қизи
Мусаҳҳиҳа
Райҳона ХОЛБЕК қизи

Таргибот-ташвиқот марказлари:
Фаргона вилояти – 8. 3732. 24–25–28
Директори Салоҳиддин Нуриддин
Андижон вилояти – 8. 3742. 24–34–04
Директори Уктам ҳожи Умурзоқ

Манзилимиз: 700069, Тошкент шаҳри,
Зарқайнар 18-берккуча, 47а-уй, Тел: 40–17–97.
Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот
қўмитасида рўйхатга олинган.
Гувоҳнома рақами 00079.
Босишга 2001 й., 25 октябрда рўхсат берилди.
Босмаҳонага 2001 йил 30 октябрда топширилди.
Қоғоз бичими 84x108 1/16. Адади 4200
нуса. 182-сон буюртма билан «KOH1 NUR»
МЧЖ да босилди. Манзили: Тошкент шаҳри,
Муқимий кучаси, 178-уй.

Интернет почтамаиз: hidoyat@ars-inform.uz

Баҳоси келишилган нарҳда.
Макет асл нусхаси Pentium-III
компютерида саҳифаланди.

Қўлезмалар қайтарилмайди, тақриз қилин
майди. Мақолалар хат орқали юборилганда
исми шарифлар тулиқ ёзилиши, манзил туғри
курсатилиши шарт.

Уста ОЛИМ

РЎЗА ОЯТИ

Куръони карим Бақара сурасининг 183—185-оятларида Рамазон рўзаси ҳукмлари ва ҳикматлари баён қилинган.

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا كُتِبَ

عَلَيْكُمْ الصِّيَامُ كَمَا كُتِبَ عَلَى الَّذِينَ مِن قَبْلِكُمْ لَعَلَّكُمْ تَتَّقُونَ ﴿١٨٣﴾ أَيَّامًا مَّعْدُودَاتٍ فَمَن كَانَ مِنكُم مَّرِيضًا أَوْ عَلَى سَفَرٍ فَعِدَّةٌ مِّنْ أَيَّامٍ أُخَرَ وَعَلَى الَّذِينَ يُطِيقُونَهُ فِدْيَةٌ طَعَامُ مَسْكِينٍ فَمَن تَطَوَّعَ خَيْرًا فَهُوَ خَيْرٌ لَهُ. وَأَن تَصُومُوا خَيْرٌ لَّكُمْ إِن كُنتُمْ تَعْلَمُونَ ﴿١٨٤﴾ شَهْرُ

رَمَضَانَ الَّذِي أُنزِلَ فِيهِ الْقُرْآنُ هُدًى لِّلنَّاسِ

وَبَيِّنَاتٍ مِّنَ الْهُدَىٰ وَالْفُرْقَانِ فَمَن شَهِدَ مِنكُمُ الشَّهْرَ

فَلْيَصُمْهُ وَمَن كَانَ مَرِيضًا أَوْ عَلَى سَفَرٍ فَعِدَّةٌ مِّنْ

أَيَّامٍ أُخَرَ يُرِيدُ اللَّهُ بِكُمُ الْيُسْرَ وَلَا يُرِيدُ بِكُمُ

الْعُسْرَ وَلِتُكْمَلُوا الْعِدَّةَ وَلِتُكَبِّرُوا اللَّهَ عَلَىٰ مَا

هَدَىٰكُمْ وَلَعَلَّكُمْ تَشْكُرُونَ ﴿١٨٥﴾

﴿١٨٥﴾ هَدَىٰكُمْ وَلَعَلَّكُمْ تَشْكُرُونَ

«Эй имон келтирганлар! Сизларга рўза, сизлардан олдингиларга фарз қилингани каби фарз қилинди! Уни адо этсаларингиз, тақводор бўласизлар! Сизларга саноқли кунлар рўзасигина фарз қилинди. Сизлардан ким касал ё сафарда бўлса, бошқа саноқли кунларда рўза тутиши лозим. Рўзани қийинчилик ва машаққат билангина тутиши мумкин бўлганлар фидя беришлари — мискинни овқатлантирмоқлари керак. Ихтиёри билан фидя миқдорини оширган киши учун бу тутган иши яхшидир. Агар билсангиз, рўза тутушингиз сизлар учун яхшидир. У саноқли кунлар — очиқ ва ҳақни ботилдан ажратувчи баёноتلари билан инсонларни тўғри йўлга бошловчи Куръон нозил этилган Рамазон ойидир. Сизлардан ким у ойда ҳозир бўлса, рўза тутсин! Ким касал ё сафарда бўлса, саноқли бошқа кунларда рўза тутиши лозим. Аллоҳ сизларга енгилликни истайди, қийинчиликни истамайди. Аллоҳ рўза кунлари ҳисобини тўла этишингизни, сизларни тўғри йўлга

бошлагани учун Унинг Ўзигагина ҳамду сано айтишингизни ва ҳақиқий шуқр этгувчилардан бўлишингизни истайди».

Бу оятлар жамият манфаатларига тааллуқли ҳукмлар зикр этилган оятлардан сўнг келади. Бунда шахс ислоҳи жамият учун нечоғлик муҳимлигига ишора бор. Зеро, Рўза ибодати билан нафе тарбияланади, шахвоний ҳойу ҳаваслар жиловланади. Инсон комил хулқларга эга бўлади. Аъзолари комил хулқли жамиятгина осуда ва тинч бўлиб, унда ўзаро тажовуз ва хиёнат бўлмайди.

Илоҳий қақриқнинг «имон» лафзи билан бошланиши мўминларда уларни ижро этиш иштиёқини оширади. Имон сифати шуни тақозо этади.

Оятда рўза ибодатининг ўтган пайғамбарлар умматларига ҳам фарз қилингани эслатилиб, мусулмонларга унинг оғир эмаслиги билдирилмоқда. Чунки инсон ўзига қийин бўлиб кўринган ишни олдин кимлардир бажарганини билса, унга киришиши осонлашади, уни пухта ва комил бажаришда ғайрат кўрсатади.

«Уни адо этсаларингиз, тақводор бўласизлар». Шубҳа йўқки, комил адо этилган рўза ибодати мусулмонни ахлоқан ва маънан юксак мақомга — тақво мақомига етказди. Пайғамбаримиз алайҳиссалом таъкидлаганларидек, рўза кўргондир. У гуноҳ қилишдан, турли жисмоний иллат ва касалликлардан, охират азобидан сақлайди.

«Сизларга саноқли кунлар рўзасигина фарз қилинди». Бу маъно рўзанинг машаққатли эмаслигига, инсон уни бемалол улдасидан чиқа олишига ишорадир.

«Сизлардан ким касал ё сафарда бўлса, бошқа саноқли кунларда рўза тутиши лозим». Бу ҳолат Ислом шариатининг енгиллиги ва кенглигини кўрсатади. Саноқли кунлар рўзаси истисносиз барча ҳоллар ва кишилар учун эмас, балки рўзага ярамайдиган касаллар ва сафардаги кишилар учун уни тутмасликка рухсатдир.

Аллоҳ таоло бандаларга енгилликни ва осонликни истайди. «Рўзани қийинчилик ва машаққат билангина тутиши мумкин бўлганлар фидя беришлари — мискинни овқатлантирмоқлари керак». Рўза тутушга қийналадиган, ёши ўтиб қолган кексалар рўза тутолмасалар, ҳар бир кун учун фидя бермоқлари — мискинни овқатлантирмоқлари керак. Бир кунлик рамазон фидяси бир мискинни тўйғазиш харажати тенг.

«Ихтиёри билан фидя миқдорини оширган киши учун бу тутган иши яхшидир». Бу нарса



яхши ишларни кўпроқ қилишга тарғибдир. Чунки ҳеч бир яхшилик бесамар кетмайди.

«Агар билсангиз, рўза тутишингиз сизлар учун яхшидир». Дунёвий ҳаётларингиздаги рўзанинг фойдаларини, охираданинг сабабидан эришадиган

мақомларингизни билсангиз эди, ўн икки ой рўзадор бўлишни истардингиз, дейилади хабарда.

«У саноқли кунлар — очик ва ҳақни ботилдан ажратувчи баёнотлари билан инсонларни тўғри йўлга бошловчи Қуръон нозил этилган Рамазон ойидир». Рамазон ойи барча самовий китоблар нозил этилган ой сифатида шараф ва мақтовга лойиқдир. Иброҳим алайҳиссалом саҳифалари Рамазоннинг биринчи кечасида, Таврот олтинчи, Инжил ўн учинчи, Қуръони карим эса йигирма тўртинчи кунда нозил этила бошлангани ҳадиси шарифда баён этилган.

«Сизлардан ким у ойда ҳозир бўлса, рўза тутсин». Рўза тутишга монев сабаблари бўлмаган муқим киши рўза тутсин. Зеро, у Ислом рукнларидан биридир.

Бу амр ва рўзанинг улуғлиги ва манфаатларининг беқиёслиги баён этилганидан сўнг белгиланган кунларда барча истисносиз уни тутиши лозим деб тушунилмаслиги учун **«ким касал ё сафарда бўлса, саноқли бошқа кунларда рўза тутиши лозим»** маъноси қайтарилгандир. Касал ва сафарда бўлган кишига рўза тутмасликка рухсат берилган.

Зеро, **«Аллоҳ сизларга енгилликни истайди, қийинчиликни истамайди».** Аллоҳ таоло сизлардан рўза баракотларидан бенасиб қолмаслигингиз, унинг футуҳотларидан комил насиба олишингиз учун, **«Рўза кунлари ҳисобини тўла этишингизни»**, бахт-саодатингиз гарови бўлган ибодатларга сизларни бошлагани учун, **«Унинг Ўзигагина ҳамду сано айтишингизни»**, У берган неъматларни ўз ўринларига ишлатиш ила **«ҳақиқий шукр этгувчилардан бўлишингизни истайди».**

ЯНГИ БИР ОЛАМ

Бундан бир неча йиллар аввал раҳматли бувижоним сабабми, билмадим, ҳарқалай уйимизда ота-онам ҳам рўза тутадиган бўлишди. Ўша кундан бошлаб, ҳаётимиз янада файзли бўлиб, янада кўркамлашиб борди. Бир куни улар сафига мен ҳам қўшилдим. Мен рўза тутишининг фойдали томонларини кўпгина адабиётлардан, матбуот саҳифаларидан ўқиганман. Тўғри, ёшларнинг катта ёшдаги кишиларга нисбатан бундай фарз амалларга эътибори сустроқ. Чунки умрнинг айна гуллаган пайтида бир кун келиб Аллоҳ даргоҳида қилинган барча савобу гуноҳлар сарҳисоб этилиши ҳар бир ёшнинг ҳам ҳаёлига келавермайди. Аммо бу нарсалар рўза тутишим учун асосий сабаб эмас. Рўза ажиб бир жиҳатлари билан маҳлиё этган. Яъни, рўзадор бўлдимми, мен сирли бир ҳолатнинг гувоҳи бўлман. Эрта тонгдан танамда ўзгача руҳ, ўзгача кайфият ҳукмронлик қилади. Бундай онларни нимадандир қувониб, шодланиб кетганимдагина ҳис қиламан. Албатта, қийинчилиги ҳам бўлади. Бироқ у рўзадорлик файзи олдида ҳеч гап эмас. Хуллас, янги бир оламга саёҳат қиламан...

Рўза тутган биринчи кунимдаги кечинмаларимни ёдга олиш ҳам оғир, ҳам ажойиб. Оғирлиги шундаки, ҳар доимги одадингиздан чекиниб, ўзга бир маромга мослашингиз керак. Сувсизликдан, очликдан ўзингизни мадорсиздек ҳис қиласиз. Аммо кунлар ўтган сари бу қийинчиликлар кўникамага айланиб боради.

Ажиблиги эса, аввало, ўша кунларда гўзал тонг манзарасининг гувоҳига айланасиз. Бирданига руҳингизда қандайдир енгиллик, хуш кайфият пайдо бўлади. Ҳамма нарса кўзингизга гўзал бўлиб кўринаверади, ўзингизни гуноҳлардан бирмунча фориғдек сезасиз. Шу пайтгача олдингизда кўндаланг бўлиб ётган муаммолар ўз ечимини топгандек бўлади. Бехосдан кўз олдингизда кечагина хафа қилиб қўйган дўстингиз жонланади. Қачонлардир айтилмай қолган узр, раҳматлар хотирангизда намоён бўлади. Хуллас, руҳан тетиклашасиз...

Фаррух БЎТАЕВ,
галаба

ЎЗГАЧА БИР ОЙ

Рамазон хайру барокот ойи. Рамазон кўнгилларга хурсандчилик инган ой. Бу ойда вужуд синовларга рўбарў келади, ҳар бир мусулмон нафақат ошқозонини, балки тилини, кўзини, қулоғини ва умуман, бутун танасини Аллоҳнинг фарзига бўйсундиради. Ҳар қадамини ўлчаб босади. Шундай бўлса-да, охир-оқибати сурур ва хурсандчилик, мукофотига жаннат бериладиган бу фарз ибодат ҳам ҳар кимнинг ҳаётида ўзига хос кечади. Тўғриси, баъзилар рўза Аллоҳнинг фарзи деб эмас, балки дунёвий манфаат, масалан, тан соғлигини ўйлаб «рўза» тутадилар.

Юртдошларимизнинг бу хусусдаги фикрларини «Сиз нега рўза тутасиз?», «Илк бор рўза тутганингизни қандай эслайсиз?» мазмунидagi саволлар асосида ўрганишга ҳаракат қилдик. Ва улардан баъзиларини айтиб ҳолича сиз азиз журналхонлар эътиборига ҳавола қилмоқдамиз.

«Мен покланиш, гуноҳлардан фориғ бўлиш учун рўза тутаман. Шу рўза орқали Аллоҳнинг неъматларига шукр қиламан. Аммо мен биронинг кўзи ёки бировга тақдир қилиб рўза тутмайман.

Илк рўза тутган кунларимда ўзимни жуда енгил ҳис этганим ёдимда. Рўзанинг фойдасини шунда билган эдим.

Хуллас, йилда бир ой рў-

задорман. Ҳар жума куни намозга бораман».

Даврон Улуғмуродов,

Қашқадарё вилояти,

Чироқчи тумани

(29 ёш)

* * *

«Мен Рамазонни яхши кўраман, тўкин-сочинлик, зиёфатлар кўп бўлади. Атрофимдаги одамлардек мен ҳам рўза

тутаман. Маҳалладошларга эргашиб ифторликларга бораман. Одам дегани эл қатори бўлиш керак-да.

Биринчи марта рўза тутган кунимни жуда яхши эслайман. Талабалик давримиз эди. Тўртта бўлиб, ижарахонада турар эдик, етти-саккиз йиллар аввал. Хонадошларим Рамазон ойи келганида рўза тутдилар. Мен ҳам уларга



қўшилишга мажбур бўлдим. Сахарликни еб, оғизни ёпгандан сўнг кимдир китоб мутолаасига берилди, кимдир жиндай мизғиш учун чўзилди. Мен эса бетоқат бўлиб қолдим; ҳар 5-10 дақиқада бир ташқарига чиқиб кира бошладим. Китоб ўқиётган куредошим бу қатнов сабабини сўради. Ихтиёрсиз равишда оғзимга тўпланаётган сўлак сувни ютмай, туфлаб келаётганимни айтдим...

Оғизга келган сувни ютиш билан рўза бузилмаслигини шунда билган эдим».

Абдуқаяом Ташикенов,
Туркистон шахри
(37 ёш)

* * *

«Рамазонда рўза тутиш фарз ҳисобланади. Ёлғондан, гийбатдан, ёмонликдан сақланиш ва умуман, руҳиятимни поклаш ниятида рўза тутаман.

Бошқа пайтлардагига нисбатан рўзадорликда ўзимни жуда яхши ҳис этаман. Ҳорғинлик, асабийлик мени асло енга олмайди. Аксинча, айна шу муборак дамларда омад кулиб боқади».

Наргиза Азимова,
талаба (20 ёш)

* * *

«Фарз рўзасини Аллоҳнинг буйруғи бўлгани учун, нафл рўзани эса савоб учун тутаман.

Рамазон ойи менга омад, яхшиликлар, барака олиб келади. Бу ойда рўза тутиш мен учун роҳат».

Доно Файзихўжаева,
Тошкент шахри
(19 ёш)

* * *

«— Бу йилдан бошлаб рўза тутмоқчиман, — деди таниш-



Адий ибн Ҳотим (р.а.) ривоят қиладилар: *«Оқ ипни қора ипдан ажратадиган бўлгунча еб-ичингизлар!»* (мазмунни) *оятти қаримаси позил бўлганда, бир қатим оқ ва бир қатим қора ипни олиб ёстигим остига қўйиб, сўнг (ёстиқни қия кўтариб) қарай бошладим, қанча тикилиб қарамай, барибир қайси оқ, қайси қора эканини сира ажрата олмадим. Кундузи Расулуллоҳнинг (с.а.в.) олдиларига бориб, бўлган воқеани айтиб бердим. Жаноб Расулуллоҳ (с.а.в.): «Бундан мақсад тун қоронгуси-ю, кун ёруғидир», — дедилар.*

Саҳл ибн Саъд ривоят қиладилар: *«Оқ ипни қора ипдан ажратадиган бўлгунча еб-ичингизлар!»* (мазмунни) *оятти позил бўлди. Шунда одамлар рўза тутган пайтларида оёқларига оқ ва қора ип боғлаб олиб, то бир-биридан ажратадиган бўлгунча еб-ича-вердилар. Сўнгра Аллоҳ таоло «Тонгдан бошлаб...»* (мазмунли) *оятти позил қилди. Бундан одамлар билдиларки, оқ ип ва қора ипдан мақсад кеча ва кундуз экан».*

Бухорий ривояти

ларимдан бири мамнуният билан.

— Ниятингиз муборак бўлсин, Аллоҳ ихлосингизни зиёда қилсин, — дедим.

Хурсанд бўлдим. Нечук хурсанд бўлмай? Ахир имонли, ихлосли инсонлар кўпайса, юртда барака бўлади. Лекин унинг кейинги гапи мени сал ўйлантириб қўйди.

— Рўза баҳонасида сал озиб, қоматимни ростлаб олмоқчиман, — деди у.

Мен айтдим:

— Биродар, эҳтимол, рўза тутганда ростдан ҳам сал озишингиз, қоматингиз ростла-

ниши мумкин. Лекин рўза бунинг учун тугилмайди. Рўза холис Аллоҳ учун, Унинг амри бўлганлиги учун тугилади. Шундай қилсангиз, ҳам Яратганнинг розилигини топасиз, фарз ибодатини бажарганлик савобига эришасиз, ҳам қоматингиз ростланади.

— Ҳақиқатни англагангиз учун раҳмат, — деди у, — масаланинг бу томони-ни ўйламаган эканман.

Сўзимни тўғри тушунганидан хурсанд бўлдим».

Али Маъруф Наби,
Қашқадарё вилояти

ПОКЛИК ИМОННИНГ БИР ҚИСМИ

Еттинчи сабоқ

ҒУСЛ

Ғусл чўмилишдир. У:
 – аёллар ҳайздан тоза бўлгач;
 – нифос (фарзанд туғилганда онасидан келадиган) қони тўхтагандан кейин;
 – жинсий яқинликдан сўнг;
 – маний (уруғ) шаҳват билан отилиб чиқса;
 – киши эҳтилом (уйқуда бўлганиш) бўлиб, уйғонгач бадан ёки кийимида маний ё мазий (шилимшиқ суюқлик) кўрса, **фарз бўлади**.
 Жума, икки ийд намозлари, Арафа тоғида туриш, ҳаж ва умра учун эҳромга кириш олдидан ғусл қилиш суннат.

Ғуслнинг уч фарзи бор:
1) оғизни халқумигача ювиш; 2) бурунни ачитиб чайиш; 3) баданнинг қолган барча қисмини ювиш.

Ғусл тартиби қуйидагича:
 Аввал баданга маний теккан бўлса, ювиб кетказилади. Сўнгра таҳорат қилинади. Ювинадиган жойда сув тўпланадиган

ёки оёқ лой бўладиган бўлса, таҳоратда оёқлар ювилмайди. Ғусл сўнгида ювилади. Сўнгра бошдан уч бор сув қуйилади. Бош уч бор ювилгач, ўнг ва чап елкалардан ҳам уч мартадан сув қуйилиб, бутун аъзои бадан ювилади. Ғуслда бадандаги бирор тукнинг ҳам остига сув етмай қолмаслиги керак. Биринчи сув қуйганда баданни ишқалаш суннатдир.

Жимоъ пайти аёлларнинг сочи ўрилган бўлса, ювинаётганда уни тарқатиш шарт эмас. Сочларнинг тагига сув етказилса кифоя. Аммо сочлари ўрилмаган бўлса, эркаклар каби сочларини ҳам тўла ювишлари лозим. Аёллар қулоқдаги сирға ва қўлдаги узукларини қимирлатиб, улар ўрнига сув етказишлари зарур.

Агар баданга сув етишига монеълик қилувчи бўёқ каби нарсалар сурилган

бўлса, ғуслдан олдин уларни кетказиш шарт, акс ҳолда ғусл ўрнига ўтмайди. Шунингдек, тишлар орасидаги овқат қолдиқларини ҳам тозалаш керак. Киндик қавагига сув етказишни эсдан чиқармаслик зарур.

Ғуслда қиблага юзланиб турмоқ суннатга хилофдир. Ғусл асносида гапириш одобсизликдир. Авратни беркитиш нафақат ғуслда, балки барча жойда лозим. Бинобарин, аврат ёпилиб ғусл қилинади. Бу ҳақда Абу Довуд Пайғамбаримиз алайҳиссаломдан шундай ривоят қиладилар:

«Аллоҳ таоло ҳаёли ва пардали Зотдир. Ҳаёли ва пардалини севади. Ҳар кимки ювинадиган бўлса, ўзини тўсиб ювинсин».

Ғусл вожиб бўлган кишилар Қуръон тиловат қилишлари, оятларни ёзишлари ва масжидга киришлари мумкин эмас.

Муҳаммад СИДДИҚ

Дуо



IV.

Аллоҳим! Сендан ушбу исмларинг билан илтижо қилиб тилайман ва ёлвораман:

1. Эй иззат ва гўзалликнинг ҳақиқий соҳиби!
2. Эй салтанат ва жалолнинг ҳақиқий соҳиби!
3. Эй қудрат ва камолнинг ҳақиқий соҳиби!
4. Эй буюк ва юксак бўлган Зот!
5. Эй қуввати ва азоби қаттиқ бўлган Зот!
6. Эй ықоби қаттиқ бўлган Зот!

7. Эй ҳисобни тез қиладиган Зот!

8. Эй ҳузурда гўзал мукофоти бор Зот!

9. Эй ҳузурда китоблар онаси бор Зот!

10. Эй юкли булутларни йўқдан бор қилгувчи Зот!

Сен барча қусур ва нуқсон сифатлардан муназзаҳсан. Сендан бошқа илоҳ йўқки, бизга мадад берса. Омонлик бер бизга, омонлик тилаймиз. Бизни жаҳаннамдан асра!

ЖАМИЯТДА АДОЛАТ



«Биз шунчаки демократик жамият эмас, демократик одил жамият қурмоқчимиз. Адолат ва ҳақиқат ғояси ижтимоий ҳаётимизнинг барча соҳаларини қамраб олмоғи даркор».

Ислом КАРИМОВ

Ислом дини жамиятда адолат масаласига ниҳоятда жиддий ёндашган.

Адолат ўзи нима? Унинг мезони қайсилар?

Инсоният ҳамиша адолатли жамият сари интилган. Бунинг исботини қадимги халқ оғзаки ижоди намуналарида кўрамиз. Қуръони карим ва ҳадиси шарифларда ҳам ҳақ-ғўйлик, адолатлилик бениҳоя улуғланади. Чунки ижтимоий адолат устувор бўлган жамият буюқдир. Адолат жамият тараққиётининг асосий омилдир.

Масалан, буюк аллома бобомиз Абу Наср Форобий ўзининг Ислом йўл-йўриқларидан сув ичган асарларида адл ва илм тантанасини, маънавий озодлик ва шахс эркинлигини таъминловчи адолатли жамиятни, инсон ва жамият муносабатларида адолатлилик мезонларини улуғлаган. У давлатни, жамиятни илм-маърифат асосида бошқариладиган ҳартомнама етук, комил, фозил бир тузумни орзу қилган эди.

Манбаларда «адолат» дейилганда фақат меъёр-ўлчов, тош-тарозу тушунилмайди, балки «адолат» ва «адолат мезонлари» тушунчалари орқали исломий меҳр-мурувватлилик, кишилар ўртасидаги муносабатлардан келиб чиқадиган қадрият ҳам англонади. Яъни, бу тушунчаларга ижтимоий моҳият берилади. Муслмонлар барча амалу сўзларида адолатли бўлишга даъват этилганлар. Қуръони каримда «адолат» сўзи 57 ўринда келади. Бошқа диний манбаларда «адл», «адолат» сўзлари бу қадар кўп ишлатилмаган. Кудсий ҳадислардан бирида: **«Бу дин (Ислом дини) ўзим учун хуш келадиган бир диндир. Унга фақат жўмардлик ва гўзал ахлоқ ярашгай. Шу боис динга мусоҳиб қолганингиз муддатда бу икки**

хислатга икром этинг, уларни мукаммаллаштиринг», дейилган, Исломни дин қилиб танлаган, имони мукаммал, эътиқоди кучли, илмли инсонни тузоққа тушириш қийин. Динсиз жамият маънавий қашшоқ ва заиф, унда яшовчи кишилар адолатсизликлар қурбони бўладилар. Бундай жамият собиқ совет жамияти каби тезда таназзулга юз тутати.

Яқин ўтмишда диндорларга қандай муносабатда бўлинганига мисоллар келтирсак. Зомин тумани Қизилсой қишлоғилик 67 яшар Қурбон Тўрабеков исмли тақводор мўйсафид одамларга масжидга қатнаб, дориломон кунлар, фаровон ҳаёт келишини Аллоҳдан сўраш керак, Аллоҳ адолатини албатта ўрнатади, дея Қуръони каримда **«Аллоҳ тарозу – адолатни нозил қилган зот»** (Шўро, 17, мазмуни), **«Аллоҳнинг адолатли ҳукмларидан юз ўгирганларга азоб бор»** лиги хабарини (Ол-и Имрон, 24, мазмуни) айтгани учун у саккиз йилга қамаб юборилган. Ваҳоланки, бу одам совет тузумини қораламаган, давлат сиёсатини ёмонламаган эди, лекин унга «советларга қарши тўнтариш яшашга уринган» деб айб қўйилган. Тошкент шаҳрида татар муслмонлари масжидининг имоми Мустафо Илёсовни махсус идоралар чақириб, ундан масжидга қатнайдиганлар ҳақида маълумот бериш, уларнинг гап-сўзларидан хабардор қилиб туришни талаб этади. Лекин Мустафо ўн-ўн беш кун мобайнида ҳеч қандай хабар келтирмайди ва у «совет тузумига қаршиларни яширган» деган айб билан ўн йилга озодликдан маҳрум этилади (М.А.Х. «Туркистон муслмон аҳолисининг ҳуқуқий ва шаръий муносабатлари архив материаллари»дан).

Сотсиалистик тоталитар тузум шароитида кишиларнинг виждон эркинлиги ҳуқуқи қўпол равишда бузилди, диний қадриятлар тўлалигича инкор этилди.

Ислом дини ҳамиша мўмин-муслмонларни биродарликка, ҳамжиҳатликка, адолатга чақиради. Мамлакатимиз мустақилликка эришган ҳозирги даврда олдимизда яна адолатли жамият қуриш имкониятлари очилди. Мустақил давлатда адолатли демократик жамият қурилар экан, маънавий меросимизга, диний қадриятларимизга таяниш, изчил ислохотларни кучайтириш, умуммиллий ва диний анъаналарни давом эттириб, маънавиятни янада юксалтириш бош мақсадимиз бўлмоғи керак. Буюк Амир Темур айтмоқчи: **«Адоват эмас, адолат энгади».**

Зулайхо АЛИМОВА,

Ўзбекистон Миллий университети аспиранти

ТЕРРОР КИШИЛИК ЖАМИЯТИГА



Нуруллоҳ МУҲАММАД РАУФХОН,
«Ҳидоят» журнали Бош муҳаррири

Ёмонлик динга ёт

Инсоният яратилган замондан бери яхшилик билан ёмонлик ёнма-ён яшайди. Бу имтиҳон дунёсининг буюк ҳикматларидан бири ҳам шудир. Ер юзида одамлар кўпайиб, элу элатларга бўлиниб яшай бошлагач, яхшилик ва ёмонликлар ҳам турлича кўринишларда ҳамма халқлар орасида ўзининг тўхтовсиз мужодаласи билан яшаб келаётир.

Яхшилик нима ўзи? Ёмонлик-чи? Нимага асосланиб бир ҳодисани яхшилик деймиз, иккинчисини ёмонлик деймиз?

Бутун махлуқотни, бор мавжудотни, жумладан яхшилик ва ёмонликни ҳам буюк ҳикмати билан яратган Зот энг суюмли махлуқи бўлмиш инсониятга пайғамбарлари орқали тўғри йўлнинг мезонини ҳам билдиргандир, фарқлаш йўлларини ўргатиб, бирига чорлаган, биридан қайтаргандир. Бинобарин, бугун "умуминсоний қадриятлар" деб аталаётган ўлчовлар ҳам буткул мухтор ҳолда юзага келмаган, балки бевосита ва билвосита Жаноби Раббимизнинг мезонлари доираси ва таъсирида асрлар давомида шакллангандир. Яъни, барча жамиятларда ҳам ўзларига хос яхшилик ва ёмонлик ўлчовлари бор ва уларнинг ақлга тўғри келадиганлари, қачонлардир олинган илоҳий йўл-йўриқлари самарасидир.

Бугун, минг бора афеуски, яхшиликдан кўра ёмонлик ҳақида, айниқса унинг мудҳиш кўринишларидан бири кўпоровчилик (террор) ҳақида кўпроқ гапиришга тўғри келмоқда. Бугун дунёда террордан беҳавотир бирон миллат, бирон мамлакат бўлмаганидек, ўзига хос тер-

2001 йил 11 сентябр. Американинг фахри ва ривожининг рамзи бўлган 110 қаватли кўшбино саксонинчи қаватларига бирин-кетин келиб урилган икки учоқнинг зарбаси ва кучли портлашлардан қулаб тушди. Амиқо қаттиқ сесканди. Оммавий ахборот воситаларида террорчиларнинг миллати ва динига урғу берилди. Аслида уларнинг дини ва миллати бўлмади.

2001 йил 10 октябр куни Ўзбекистон мусулмонлари идораси ходимлари, Тошкент шаҳар масжидларининг имом-хатиблари йиғилиши

рорчиси бўлмаган бирон миллат, бирон мамлакат ҳам йўқ. Бошқача айтганда, кўпоровчининг шахси бирон миллатга, бирон мамлакатга ё бирон динга мансуб бўлиши мумкин, ammo кўпоровчилик ҳодисаси бирон миллатга, бирон мамлакатга ё бирон динга алоҳида хос эмас. Уни хослашга уриниш ҳақиқатга зиддир, инсофсизликдир, балки бу ҳам зўравонликнинг бир кўринишидир.

Акмалхон ИБРОҲИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти
ҳузуридаги Давлат ва Жамият қурилиши
академияси тадқиқотчиси

Ғайриинсоний ҳаракатлар

"Экстремизм" лотинча сўз бўлиб, ўта жоҳиллик ёки қандайдир қарашларга, ҳаракатларга кўр-кўрона берилишни билдиради. Аслида экстремизмга диний қиёфа бериш нотўғри. Экстремизм муайян гуруҳларнинг ўз ғайриинсоний мақсадларига эришиш, ўз назарияларининг тўғрилигини исботлаш йўлида ҳар қандай кўринишдаги воситалардан фойдаланиб қилинадиган ҳаракатлардир. Экстремистик кучлар нафақат Ислом ёки бошқа динлар мавжуд минтақаларда, балки динсиз минтақаларда ҳам мавжудлиги ва фаолият кўрсатаётгани бунинг далилидир. Экстремистик кучлар ҳар қандай давлатга қарши отланар эканлар, улар шу давлатнинг но-зик томонларини, шу минтақада аҳоли нимага мойиллигини ва қайси йўллар билан кириш осонлигини яхшигина ўрганиб чиқиб, жуда пухта тайёргарлик кўрадилар ва шундан кейингина нопок ниятларини амалга ошира бошлайдилар. Улар яна ўз мақсадларига эришиш учун айнан шу халқ-давлат фарзандларидан билимсиз, лоқайд ва ношудларини топишга ҳаракат қилади-

УМУМИЙ ХАВФ ТУҒДИРАДИ

бўлиб ўтган эди. Унда Президентимизнинг Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги мухбири билан суҳбати, Афғонистондаги воқеаларга доир Баёнотидан келиб чиқадиган вазифалар муҳокама қилинди. 12 октябр куни масжидларда жума мавъизалари ҳам мазкур мавзуга бағишланди. Биз ҳам террорчилик, зўравонликни қатъий қоралаган ҳолда, айрим юртдошларимизнинг бу борадаги фикр-мулоҳазаларини ўрганиш мақсадида ўзига хос ғойибона давра суҳбати уюштиришни лозим топдик.



лар. Шу боисдан ҳам халқимизнинг саводхонлигини янада оширишга ва Исломнинг асл моҳиятини тушунтириб-ўргатиб боришга бугун катта аҳамият беришимиз лозим.

Ислом ҳақида маълумотга эга бўлар эканмиз, бу дин фақат эзгуликка бошлашининг ва ҳар қандай гайриинсоний иллатларга қарши курашиб келганининг гувоҳи бўламиз. Тарихга назар ташласак, Ислом ҳақида нафақат мусулмонларнинг ўзлари, балки бутун дунё олимлари, буюк инсонлари илиқ фикрлар билдирганлар.

Абдуқаюм АЗИМОВ,
Имом Бухорий номидаги
Тошкент Ислом институти ректори

Тинчлик — буюк неъмат

Маълумки, шу кунларда Америка Қўшма Штатлари ва Буюк Британия томонидан Афғонистон ҳудудидаги халқаро терроризм ўчоқларини йўқ қилиш мақсадида бошланган амалий ҳаракатлар бутун жаҳон аҳлининг диққат марказида турибди.

АҚШда содир этилган мудҳиш террорчилик ҳужумларидан кейин дунё ҳамжамияти бу офат инсониятга қай даражада таҳдид солиб турганини англаб етди. Бу офат умумбашарий хавфга айланганлиги унга эътиборсизлик билан қаралганлигининг оқибатидир. Ваҳоланки, давлатимиз раҳбари "Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари" асарида, шунингдек, Истанбул саммитида халқаро терроризм инсониятга катта хавф туғдираётганидан дунё жамоатчилигини огоҳ этган эди.

Президентимиз АҚШдаги воқеаларга доир "Баёнот"ида бутун инсониятга катта таҳдид солиб турган бу иллатга барҳам бериш борасида-

ги курашдан ҳеч ким, ҳеч қайси давлат, шу жумладан, Ўзбекистон ҳам четда туриши мумкин эмас, деб таъкидладилар.

Сир эмас, Афғонистонда наркотик моддалар етиштириш Колумбиядагидан ҳам ошиб кетди. Бу ерда бир йилда олти минг тоннага яқин захри қотил етиштирилган. Энди бир тасаввур қилайлик, шундай катта миқдордаги наркотик моддалар қаердан ўтиб ва қайси давлатларни ўз гирдобига тортади. Неча милёнлаб ёшлар гиёҳвандлик балосига учрайди? Бундай наркобизнес ва терроризм иллатига қарши бутун дунё ҳамжамияти бир бўлиб қаттиқ курашмоғи лозим.

Абдураззоқ ЮНУСОВ,
Ўзбекистон мусулмонлари
идораси раиси муовини

Бепарво қарамайлик

Аллоҳ таолонинг гўзал исмларидан бири "меҳрибон ва раҳмдил"дир. Ҳар ишни бошлашдан олдин айтиладиган "Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм" оятида ҳам ушбу маъно мужассам. Бу бежиз эмас, албатта. Ислом дини инсонларни мушфиқ ва меҳрибон бўлишга ундайди. Пайғамбар алайҳиссалом бу борада шундай дейдилар:

"Ким инсонларга меҳрибон бўлса, Аллоҳ унга меҳрибон бўлади".

Афсуски, мусулмонман деб юрган халқаро террорчилар Исломнинг меҳр ва шафқат каби олий қадриятини унутиб, тинч аҳолининг ҳаловатини бузмоқдалар. Исломнинг жонқуяри сифатида кўринмоқчи бўлиб, ғаразгүй ҳаракатларини "жиҳод" деб ниқобламоқдалар.

Жиҳод Ислом нуқтаи назарида жуда ҳам олий мақомдаги ибодатлардандир.

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан



сахобалар: "Ё Расулulloҳ, ўзининг кўрқмас, шижоатли эканини бошқаларга кўрсатиб қўйиш учун жангга кирган киши жиҳод қилган бўладими?" деб сўрашган. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: "Йўқ", деб жавоб берганлар.

Ҳақиқий жиҳод нафақат жангда, балки кундалик ҳаётда нафсга,

шайтоннинг васвасасига қарши кураш бўлади.

Бир кун Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам сахобалари билан турганларида олдиларидан бир навқирон, билаги кучга тўлган йигит елкасига халта осиб ўтиб қолди. Шунда сахобалардан бири: "Қани энди шу йигит кучини жанг майдонида сарф қилса", деб таъна қилди. Шунда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **"Ундай деманг! Агар бу йигит ўзини ўғриликдан, бировнинг ҳаққини ейишдан сақлаш мақсадида ҳалол касб қилиш учун кетаётган бўлса, у Аллоҳ йўлида жиҳод қилаётган бўлади. Агар фарзандларини бировга қарам бўлиб, тиланчилик қилишдан сақлаш мақсадида чиққан бўлса ҳам, Аллоҳ йўлида жиҳод қилаётган бўлади. Агар ота-онасига нафақа қилиш мақсадида чиққан бўлса ҳам, Аллоҳ йўлида жиҳод қилаётган бўлади"**, дедилар.

Шу кунларда жаҳон жамоатчилигининг бутун фикри-зикри Афғонистонга қаратилганлиги бежиз эмас. Афғонистондаги мураккаб вазият ўнгланиб, тезроқ тинчлик ўрнатилиши бутун дунё халқлари учун жуда ҳам муҳимдир. Шу боис халқаро террорчиликнинг пайи қирқилиши зарур.

Шунингдек, Афғонистондаги террорчилар лагерларига қарши ҳужумлар тинч аҳолига зарар етказмаслиги керак.

Тинчликни сақлаш шу куннинг долзарб вазифаси бўлиб турибди. Уйдирма ва фитналар, миш-мишларга бепарво қарамаслик зарур. Ҳар бир киши бу воқеага ҳолис фикрини билдириши лозим.

Юртбошимизнинг халқаро террорчиликка қарши баҳамжиҳат курашиш борасидаги таклиф ва чақириқларини қўллаб-қувватлашимиз керак.

Муҳаммадшариф ЖУМАН,
«Ҳидоят» журнали
таҳрир ҳайъати аъзоси

Зўравонлик хорлик келтиради

Инсоният бор экан, тажрибалар давом этаверади. Чунки ҳали ечим ва натижалари тўла ё қисман маълум бўлмаган соҳалар бор. Аммо шундай соҳалар ҳар борки, уларда тажриба ўтказишга ўрин қолмаган. Зеро, уларнинг натижалари замонлар оша ҳал этилиб, жавоблари аниқ баён қилинган. Улар устида ҳар қанча тажриба ўтказилмасин, ундан бошқа натижага эришилмайди.

Тажриба ўтказишга ўрин қолмаган ана шундай соҳалардан бири инсонларнинг ўзаро муносабатлари соҳасидир. Мана, унинг масалаларидан баъзиларининг жавоби: "Яхши бўлсанг, ошингни ейсан, ёмон бўлсанг, бошингни"; "Зўрликнинг охири хорлик"; "Зулм зулмлар келтиради"; "Яхшилик унутилмайди"; "Бировга чоҳ қазисанг, ўзинг тушасан".

Демак, бизда қай бир натижага эришмоқни истасак, унга олиб борувчи йўлнигина танлаш муаммоси қолган, холос.

Биз мусулмонлар дунёимиз саодатию охирагимиз ободлигини динимиз йўриқларисиз тасаввур қилолмаймиз. Зотан, у саодат асоси ҳисобланган адолатга, меҳр ва шафқатга чақиради. Пайғамбаримиз шундай дейдилар:

"Барчага бирдай меҳрибон бўлмагунингизча комил имонли бўлолмайсиз".

Умуминсоният эътироф этган бирор фазилат йўқки, Ислом унга тарғиб қилмаган бўлса. Шунингдек, Ислом дини қайтармаган шахсга ё умумбашариятга таҳдид солувчи бирор ёмонликни топиб беролмайсиз.

Ислом дини яхшиликка тарғиб этиш ва ёмонликдан қайтариш билангина чекланиб қолмаган. Балки уларни амалда таъминлаш учун қатъий чора ва қонунларни ҳам жорий қилган.

Ислом дини қўполликни, ноҳақликни, кишиларга таҳдид этишнинг, бугунги кунда "террор" деб аталаётган зўравонликнинг барча кўринишларини қатъий инкор қилади ва инсонларни уларга қарши туришга чорлайди. Хусусан, беғуноҳ инсонларни қатл этишни, инсоний манфаатларини поймол қилишни, кексалар, аёллар ва гўдакларга зулмни, айбсизларни азоблашни, бу ишлар қандай баҳоналар билан қилинишидан қатъи назар, кескин қоралайди. Зеро, у меҳр ва шафқат динидир. Аллоҳ таоло махлуқотларидан бирортасига зулм қилишни сингдиролмайди. Биз ана шундай динга амал қилган инсонлармиз.

Оқилона жавоб

Бир куни бир яхудий Жаноби Пайғамбаримиздан (с.а.в.) машиат (ирода) ҳақида сўради.

– Ирода ёлғиз Аллоҳникидир, – дедилар (с.а.в.).

– Сен шундай деяпсан, ammo мен ўрнимдан туришни хоҳласам, тураман, – деди яхудий.

– Сен ўрнингдан турасан, бироқ Унинг ирода ва хоҳиши билан.

– Хоҳласам ўтираман ҳам.

– Аллоҳ хоҳлаган бўладики, ўтирасан.

қилмаган номаъқулчилиги қолмаган бир кимса ҳам тавба этса бўладими? – дея сўради.

Расули Акрам соллаллоху алайҳи ва саллам:

– Сен муслмон бўлганмисан? – дея ундан сўрадилар.

– Ҳа.

– Ундай бўлса, бундан кейин ёмонликларни ташлагинда, ҳамиша яхшилик қил. Аллоҳ таоло сенинг ўтмишдаги гуноҳларингни яхшиликларга айлантиради.

– Барча хиёнат у сохтакорликларимни ҳамми?

– Ҳа.

ҳам зинодан туғилган боламини ўлдирдим, – деди.

Аёлга айтдимки:

– Сен учун тавба йўқ. Аллоҳ кўзингни равшан этмасин, ҳеч бир қулайлик бермасин.

Шундан сўнг аёл йиғлаб, тиззаларига уриб чиқиб кетди. Эртаси куни Жаноби Пайғамбаримиз (с.а.в.) билан бомдод намозини ўқиб бўлгач, воқеани айтдим.

– Унга нақадар ёмон бир жавоб берибсан. Сен: **«Улар Аллоҳ билан бирга бошқа бирон илоҳга илтижо қилмаслар ва Аллоҳ (ўлдиришни ҳаром қилган) бирон жон-**

РАҲМАТИНГДАН УМИДВОРМАН

– Истасам, шу хурмо дарахтини кесаман.

– Аллоҳ хоҳлаган бўлса, кесасан.

– Хоҳласам, кесмайман.

– Аллоҳ кесмаслигингни хоҳлаган бўладики, кесмайсан.

Иттифоқо, Жаброил алайҳиссалом тушиб Жаноби Пайғамбаримизга (с.а.в.):

– Сиз ҳам Иброҳим алайҳиссалом каби рақибингизни Аллоҳнинг ёрдами билан мот қилдингиз, – деди.

Шунда: **«Сизнинг бирон-бир хурмо дарахтини кесийшингиз ёхуд уни кесмай поясида қолдиришингиз Аллоҳнинг изни-иродаси биландир. Аллоҳ йўлдан адашган (фосиқ-итоатсиз) кимсаларни ана шундай уялтириб расво этар»** (Ҳашр, 5), мазмунидаги ояти карима нозил бўлди.

Номид шайтон

Табаронийдан:

«Абу Фарва исмли бир одам Жаноби Пайғамбаримизга (с.а.в.) келиб:

– Гуноҳларга ботган,

Иттифоқо у одам такбир айта бошлади ва чиқиб кетди. Кета кетгунча такбир айтди.

Ёмонликка яхшилик

Абу Ҳурайра розийаллоху анҳудан:

«Бир куни бир аёл олдимга келиб:

– Мен ҳам тавба қилсам бўладими? Ҳам зино қилдим,

ни ноҳақ ўлдирмаслар ҳамда зино қилмаслар. Ким мана шу (гуноҳлардан бирон-тасини) қилса, уқубатга дучор бўлади. Қиёмат кунида унинг учун азоб бир неча баробар кўп бўлади ва у жойда хорланган ҳолида мангу қолади. Магар ким тавба этиб, имон келтирса ва яхши амаллар қилса, бас, Аллоҳ ана ўшаларнинг гуноҳларини савобларга айлантириб қўяди. Аллоҳ мағфиратли, меҳрибон бўлган Зотдир» (Фурқон, 68–70), мазмунидаги оятларни ўқимадингми? – дея марҳамат қилдилар.

Шундан сўнг дарҳол аёлни чақиртириб унга бу оятларни ўқиб бердим. Аёл севинганидан ўша заҳоти саждага борди:

– Менга қутулиш эшигини очган Аллоҳ таолога беадад ҳамду санолар бўлсин, – дея пичирлади».

«Ал-Асмо вас-сифот», «Ҳаёт-ус-саҳоба» китобларидан

Абдуллоҳ МУРОД
тайёрлади



Бахриддин УМРЗОҚОВ

ВАЛИЙЛАК ИСТИҚОМАТЛАР



Огоҳ бўлинг (яхши билингки), албатта, Аллоҳнинг дўстлари учун ҳеч бир хавф (қўрқинч) йўқ ва улар (асло) маҳзун бўлмаслар» (Юнус, 62-оят маъноси).

Куръони каримда «валий» деб сифатланган зотлар кимлар ва қанақа фазилатлари уларни бу улуғ мақомли таърифга лойиқ қилган?

Аввало, «валий» сўзининг луғавий, истилоҳий маънолари ҳақида қисқача маълумот берсак.

Бу сўз *валийа* (яқин бўлди) феълига ўзакдошдир. Кўплиги — *авлиё*. «*Валийўллоҳ*» — Аллоҳ таолонинг дўсти демакдир.

Табиийки, савол туғилади: ҳар бир нарсанинг белги, аломати бўлганидек, валийликнинг ҳам белгилари борми? Ҳа, бор. Бу белгилар зоҳирий ҳамда ботинийдир.

Валийларнинг биринчи ва энг муҳим аломати шуки, улар ҳар қандай шароит ва ҳолатда шариат талаб қилганидек истиқоматда бўладилар.

Истиқомат «тўғрилиқ» демакдир. Истилоҳда эса, барча аҳдларида, хусусан, Аллоҳ таоло ва Расулига бўлган аҳдларида ҳамда кундалик юриш-туриш, кийиниш, таомланиш каби барча дунёвий ва диний ишларида шариат меъёрларига риоя қилиб яшашдир.

Истиқомат аҳдуллоҳ наздида шундай юксак бир даражаки, барча мақбул мақсад ва гоъларнинг рўёбга чиқуви, барча хайрли ишларнинг камолга етишуви унга боғлиқ. Акс ҳолда, ирфон аҳли айтишича — Аллоҳ сақласин — ҳаракатлар бекор, сарфланган барча куч-ғайратлар фойдасиз бўлади.

Истиқомат Яратганга чиройли, нуқсонсиз қуллик қилиш ҳамда инсонийлик, одамийлик сифатларини ўзида намоён этиб, мавжудот ва махлуқот хизматида бўла олишдир. Ҳазрати Алишер Навоий:

*«Одамий эрсанг, демагил одамий
Ошипгим, йўқ халқ ғамидин ғами»,*

деб ёзганларида мана шу маънони ҳам назарда тутган бўлса ажаб эмас.

Мутасаввифлар фикрига кўра, фақат шаръий истиқоматгина асл мақсадга элтиши мумкин. Шариат ва унинг қонун-қоидалари эса, фақатгина намоз ўқиш, рўза тутиш каби бирламчи фарз амалларнигина эмас, шунингдек, одоб-ахлоқ, муомала, олди-сотди, тирикчилик, касбкор, никоҳ... хуллас, тириклик тақозо қилган ҳар бир ҳолатда тўғри, самимий, беғараз, чин инсоний фазилатлар эгаси бўлиш, «*аҳсану тақвим*» оятида кўзда тутилган сийрат ва сувратга соҳиб чиқишни тақозо қилади.¹

Истиқомат аҳли ҳар вақт «ўзингни йўқла, кейин бошқадан сўзла» ўғтига амал қилишган. Яъни, ўзларининг айбу нуқсонларини топиш ва тузатиш билан машғул бўлишган.

Имом Кушайрий (қ.с.) ёзади:

«Мен шайх Абу Абдурахмон ас-Суламийдан эшитдим. У Абу Али Аш-Шабавийдан эшитибди. Бу зот дебдики, тушимда Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламни кўрдим. Ул зотдан: «Ривоят қилинишича, сиз Ҳуд сураси сочларимни оқартирди, дебсиз. Сизни қаритган пайғамбарларнинг қиссаларими ёки бошқа умматларнинг йўқ бўлишларими?» деб сўралди. Ул зот: «*Йўқ, мени «амр қилингани каби тўғри бўл»² мазмуни ояти карима қаритди», дедилар»³.*

Замонамизнинг тасаввуфшунос олимларидан Усмон Турар «валий» сўзининг икки хил маъносига ургу беради:

1. Фаъийл вазнига ва исми мафъул мақомида бўлиш эътибори ила «ўз нафсига, ўз ҳолига ташлаб қўйилмаган кимса» маъносига. Зеро, Аъроф сурасининг 196-

إِنَّ وَلِيَّ اللَّهِ الَّذِي نَزَلَ الْكِتَابَ وَهُوَ تَوَلَّى الصَّالِحِينَ

«Албатта, менинг дўстим Китобни нозил қилган Аллоҳдир ва У солиҳ бандаларни дўст тутади» ояти каримасидаги «валийиййа» калимаси мана шу маънога — фаъийл маъносига далолат қилади.

Иккинчиси, фозил вазнига ва «Аллоҳга нисбатан ибодат ва тоатни ўрнига келтирган, беҳато адо қила олган киши» маъносига.⁴

Воситийга кўра, валийнинг тўрт муҳим аломати бор:

биринчиси, ўзи билан Парвардигори орасидаги сирларни муҳофаза қилмоғи⁵ (ошкор қилмаслиги);

иккинчиси, кароматини яшириши, уни риё мақсадида кўрсатмаслиги;

учинчиси, Аллоҳнинг яратган барча махлуқотларининг озорларига (азият ва жафоларига), машаққатларга сабрли бўлиши ва уларга бу каби муомала қилишдан ўзини тийиши, ҳеч кимга юк бўлмаслиги;

тўртинчиси, Аллоҳнинг қулларини феъл-атвор ва тоқатларига кўра идора қилишидир.⁶

«Анис ут-толибийн ва уддат ус-соликийн»-да ёзилганча: «Ибн Аббос розийаллоҳу анҳу ривоят қилган саҳиҳ бир ҳадиси шарифда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламдан: «Авлиёуллоҳ (Аллоҳнинг дўстлари) ким?» деб сўрашганида, Рисолатпаноҳ Ҳазратимиз: «Ҳақ жалла ва аълонинг дўстлари шундай кишиларки, уларни кўрганларингизда Аллоҳ таолони зикр қилиш хотирга келар», дедилар».

Имомул-орифийн Хожа Муҳаммад ибн Али Ҳаким Термизий қуддиси сирруху «Наводир ул-усул фи аҳадиси-р-расул» номли китобиди (бу ҳадиси шарифнинг шарҳида) шундай дейди: «Валийнинг қалби илоҳий жамол нурларининг маъдани; илоҳий кибриё ҳайбати ва қурбиййат ойдинлигидир. Юзида порлаган нур (таъкид бизники — Б. У.) ва латофат валийнинг қалбидан

(чиқиб келиб кўриниш берур). Бу ҳолда мўмин қулнинг қалби у гўзал ҳаётнинг нури ила тирик бўлгувчидир...»

Салимийа тариқатининг асосчиси, буюк му-тасаввиф Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Салим ал-Басрийдан сўрабдилар: «Халқ орасида авлиё қандай хусусиятлари билан ажралиб туради, уни қандай таниш мумкин?» Ул зот бундай жавоб берибди:

- «1) тили ширинлиги ва ҳушмуомала суҳбати;
- 2) ахлоқининг гўзаллиги;
- 3) чехрасидаги табассум;
- 4) жўмардлиги, сахийлиги;
- 5) эътирози озлиги;
- 6) узр сўраб, хатолари кечирилишини сўраган кишиларнинг узрларини қабул қилиши;
- 7) бутун яратилмишларга — яхши-ёмон бўлсин барча инсонларга, ҳайвон-жониворларга раҳму шафқатли бўлиши билан халқ орасида ажралиб туради».⁷

Хулоса шуки, валийлик инсонийликнинг, етукликнинг, комилликнинг гўзал намунаси-дир. Одамийликнинг шараф ва иззати ҳам шу билан қадрли ва қийматлидир. Сурат ва сийрат гўзаллигини, «аҳсанил-тақвим» яратилишни ўзида жамлаган валийлик ҳар даврда бўлгани каби бугун ҳам, келгусида ҳам муборак бўлиб қолишига аминмиз.

Изоҳлар

- 1 Муҳаммад Зоҳид Кўтқу. «Жаннат йўллари», 3-бет.
- 2 «Худ» сурасининг 112-оятига ишора.
- 3 «Рисолати Қушайрийя». Абдулқарим Қушайрий.
- 4 «Тасаввуф тарихи», док. Усмон Турар. Т. 219-бет.
- 5 Сир муҳофаза қилмоқлик ҳақида кўпгина фикр-мулоҳазалар айтилган. Хожа Аҳмад Яссавий, Азим Хожа Эшон ҳикматларида бу ҳақда чиройли пандлар бор. Шунингдек, бу Мансур Халлож ҳазратлари воқеасига ҳам тааллуқлидир.
- 6 «Тасаввуф тарихи», док. Усмон Турар. Т. 220-бет.
- 7 «Тасаввуф ва нафс тарбияси», Проф., док., Маҳмуд Асъад Жўшан, Т. 1999, 38-бет.

Насиҳат

Тил ўргангин

Зайд ибн Собит разияллоҳу анҳудан:

«Жаноби Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам менга:

– Сен сурёний тилини яхши биласанми? Чунки менга сурёнийча бир неча хатлар келади, – дедилар.

– Йўқ, – дея жавоб бердим.
– Ўргангин, – дея марҳамат қилдилар. Шундан сўнг мен сурёнийчани ўрганишга киришдим ва ўн етти кун ичида ўргандим».

Илмга ташвиқ

Умар розийаллоҳу анҳудан:
«Шу юлдузлар илмидан

сизга қуруқлик ва сув қоронгуликларида йўл кўрсатувчи бўладиган даражада, тарих илмидан эса, халқаро муносабатлардан хабардор қиладиган миқдорда ўрганинг».

Мурод ТИЛАВ
тайёрлади.

ЯХШИЛИК ҚИЛИШГА ИНТИЛИШАДИ

Мисрда Рамазон манзаралари

Рамазон ойи кириб келишининг Мисрда бошқа юрлардагидан ажралиб турадиган хусусиятлари ҳам бор. Рамазон олдидан ҳукумат ҳам, диний муассасалар ҳам, оддий мусулмонлар ҳам одамларга кўпроқ яхшилик қилишга интиладилар.


Ифтор пайти яқинлашганда шаҳар кўчаларида рўздорларга таом тайёрлаб, савоб қозониш ниятидаги кишилар ва жамоалар тарафидан «Раҳмон дастурхони» деб номланувчи зиёфатлар уюштирилади. Бунда таомлар текин бўлиб, ундан фақирлар, йўловчилар, ўша пайтда уйдан узоқда бўлган барча рўздорлар истеъмол қилишлари мумкин.

Маҳалла масжидларида ҳам фақир рўздорлар учун ифторликлар ташкил қилинади. Қодир бўлган барча хонадонлар бу ишга ҳисса қўшишади. Ҳамма биргаликда ифторлик қилади, келолмаган муҳтож рўздорларнинг насибалари уй-уйларига элтиб берилади.

Рамазон таомлари

«Қамаруддин». Бу ичимликни мисрликлар ифтор маҳали ичишади. У баъзи фарқларини ҳисобга олмаганда, ўзимизнинг ўрик шарбатимизга ўхшайди.

Хурмо. Суннатга мувофиқ хурмо ифторлик дастурхонининг асосий таомидир.



«Кунофа» ва «Қатуйф». Булар ун ва сувдан тайёрланган пишириқлар бўлиб, махсус печда пиширилади. Ундан ичига бодом, ёнғоқ, майиз ва ловия солинган хилма-хил ширинликлар тайёрланади.

Рамазон шарбати. Мисрда ифторлик, саҳарлик дастурхонларининг кўрки. У хурмо, анжир, ўрик, олхўри ва сановар каби қурилган мевалардан тайёрланади. Бир парча синдирилиб, ифторликдан камида икки соат

аввал шакарли сув ё сутга ташлаб қўйилади.

Ловия ва қатиқ. Мисрда ловия ва қатиқ рамазон дастурхонининг асосий таомларидан. Чунки ловия секин ҳазм бўлиб, очликни сездирмайди. Қатиқ эса рутубатли таомлиги боис кишини чанқатмайди.

Рамазон кўринишлари

Рамазон фонуси. Бу пиликлари рангли қандилдир. Ҳозир унинг ўрнини батареяли қўл фонарлари эгаллаган. Баъзиларида рамазон қўшиқлари ёзилган пластинкалар ҳам мавжуд. Уни болалар Рамазон кечалари кўчалар бўйлаб кўтариб юришади.

«Мусаҳҳиротий». Одамларни саҳарликка уйғотиш учун ноғора чалиб юривчи кишини мисрликлар шундай аташади. Эндиликда саҳарликка туриш учун бошқа кўп василаларга қодир бўлганларига қарамасдан, бир мерос сифатида ушбу амални ҳам бажардилар.

«Рамазон бонги». Бу ҳам мерос сифатида сақланиб қолган одатлардан бўлиб, бунда ҳам инсонларни ифторлик ва саҳарлик вақтидан огоҳ этиш учун фойдаланилган.



ЗАКАРИЁ
тайёрлади

Восила ибн Асқоъ розийаллоху анху ривоят қилади:

«Рамазон ойи келди. Биз аҳли суффа ҳам рўза тута бошладик. Ҳар оқшом ифтор вақти кириши билан Ақобада байъат берган ансорлар келиб ҳар қайсиси бир кишидан бизни ифторликка олиб кетарди. Бир куни ҳеч ким келмади. Рўза мизни очолмай ухладик, сахарлик ҳам қилмадик.

Эртаси куни ҳам ҳеч кимдан дарак бўлмади. Ниҳоят, аҳволимизни Жаноби Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи ва салламга билдирдик. Ул зот бизга ниҳоятда қайғуриб, аёлларидан қайсиларингизда бирор егулик бор, дея бирма-бир сўраттирдилар. Бироқ уларнинг ҳаммалари бунга:



АЛЛОҲНИНГ ФАЗЛИ ВА РАҲМАТИ

– Аллоҳ номига қасамки, бизда егулик ҳеч нарса йўқ, – деб жавоб юбордилар.

Шунда Набий соллаллоху алайҳи ва саллам тўпланишимизни буюрдилар ва биз тўплангач:

– Аллоҳим, Сендан фазл ва раҳмат сўраймиз. Зеро, раҳмат ёлғиз Сенинг қўлингдасин ва Сен-

дан ўзга раҳмат соҳиби йўқдир, – дея дуо қилдилар.

Биз «Омин», дедик.

Орадан кўп ўтмай, бир жойдан бизга қовурилган бир қўй танаси ва шунга яраша нон келди. Расули Акрам соллаллоху алайҳи ва саллам:

– Қани, олинглар, енглар, – дедилар.

Биз тўйганимизча едик. Шундан сўнг Сарвари Коинот сол-

лаллоху алайҳи ва саллам шундай деб марҳамат қилдилар:

– Биз Аллоҳ таолодан Унинг фазлини ва раҳматини ҳам тилаган эдик. Бу бергани Унинг фазлидир. Шубҳа йўқки, биз учун раҳматини ҳам сақлаб қўйибди».

Абдуллоҳ МУРОД

тайёрлади

Дуо



V

Аллоҳим! Сендан ушбу исмларинг билан илтижо қилиб тилайман ва ёлвораман:

1. Эй сўнгсиз марҳамат соҳиби Ҳаннон!
2. Эй ҳақиқий яхшилик ва эҳсон соҳиби Маннон!
3. Эй қулларининг ҳеч бир амалини зое этмай эвазини бергувчи Даййон!
4. Эй гуноҳларни мўл-мўл кечиб юборгувчи Фуфрон!
5. Эй қулларига йўл кўрсатгувчи Бурҳон!

6. Эй ҳақиқий салтанат соҳиби Султон!

7. Эй барча қусур ва нуқсон сифатлардан муназзаҳ Субҳон!

8. Эй ёрдамлар ундан истанилгувчи Мустаон!

9. Эй неъмат ва баён соҳиби!

10. Эй амну омон соҳиби!

Сен барча қусур ва нуқсон сифатлардан муназзаҳсан. Сендан бошқа илоҳ йўқки, бизга мадад берса. Омонлик бер бизга, омонлик тилаймиз. Бизни жаҳаннамдан асра!

ЭР ХОТИННИНГ НАСИХАТГУЙИДИР



«Имом Термизий» жомеъ масжидининг имом-хатиби
Салоҳиддин қори МУҲИДДИН ўгли билан суҳбат

– Домла, миллат уйининг гўё бир гишти бўлган оила ва унинг асоси — шаръий никоҳ ҳақида суҳбат қилсак.

– Оила қуриш инсоният яратилган вақтдан бошланиб, ҳар қандай тузум, жамиятда кишиларнинг муҳим ва шарафли ишларидан бўлиб келган. Шунинг учун Аллоҳ таоло ҳар бир пайғамбарни юборганида, шу масалага тааллуқли ҳукмларни ҳам нозил этган. Айниқса, охириги дин Исломда оила масаласига катта эътибор берилган. Қуръони карим ва ҳадисларда уни қандай ташкил қилиш, ким бошлиқ бўлиши, аъзоларининг ҳақ-хуқуқлари ва ўзаро келишмовчиликларни ҳал этиш йўллари, кўйинги, оилага тааллуқли барча масалаларга батафсил жавоб берилган.

Қуръони каримда шундай дейилади:

وَمِنْ كُلِّ شَيْءٍ خَلَقْنَا زَوْجَيْنِ لَعَلَّكُمْ تَذَكَّرُونَ

«Сизлар эслатма-ибрат олишларингиз учун Биз ҳар нарсани жуфт-жуфт қилиб яратдик» (Ваз-зориёт, 49).

وَاللّٰهُ جَعَلَ لَكُمْ مِنْ أَنْفُسِكُمْ أَزْوَاجًا

وَجَعَلَ لَكُمْ مِنْ أَزْوَاجِكُمْ بَنِينَ وَحَفَدَةً وَرَزَقَكُمْ مِنَ الطَّيِّبَاتِ أَلَيْسَ الْبَاطِلُ يُؤْمِنُونَ وَبِعِصْمَةِ اللَّهِ هُمْ يَكْفُرُونَ

«Аллоҳ сизлар учун ўзларингиздан жуфтлар яратиб, жуфтларингиздан сизлар учун болалар, набиралар пайдо қилди ва сизларни ҳалол-пок ризқлардан баҳраманд этди» (Наҳл, 72).

وَمِنْ آيَاتِهِ أَنْ خَلَقَ لَكُمْ مِنْ أَنْفُسِكُمْ

أَزْوَاجًا لِتَسْكُنُوا إِلَيْهَا وَجَعَلَ بَيْنَكُمْ مَوَدَّةً وَرَحْمَةً إِنَّ فِي ذَلِكَ لَآيَاتٍ لِقَوْمٍ يَعْقِلُونَ

«Унинг оятларидан (яна бири) – У зотнинг сизлар ҳамдам бўлишларингиз учун ўзларингиздан жуфтлар яратиши ва ўрталарингизда ошнолик ва меҳр-муҳаббат пайдо қилишидир. Албатта, бунда тафаккур қиладиган қавм учун оят-ибратлар бордир» (Рум, 21).

Ислом диндор ва чиройли хулқ эгасига никоҳланишни тарғиб этади. Хусн, обрў ва бойликнинг ўзигагина таяниб қолмасликни уқтиради. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Ким аёлга обрўи учун уйланса, Аллоҳ унга фақат хорликни зиёда қилади. Ким моли учун уйланса, фақат камбағалликни зиёда этади. Насаби учун уйланса, фақат тубанга кетади. Энди ким аёлга кўзини ҳаромдан сақлаш ва ўзини тийиш учун уйланса, Аллоҳ унга аёлни, аёлга эса уни муборак қилсин».

Бундан чиройга эътибор йўқ деган маъно келиб чиқмайди. Аммо бадхулқлик ҳар қандай яхшиликни йўққа чиқаради, ҳар қандай кўринишни шубҳа остига қўяди. Бу ҳолда шарафли оилавий робитани пайдо қилишда мол ва жамол фойда бермайди.

– Бўлғуси эр-хотиннинг тенглик масаласини ҳам ёритсангиз.

– Ҳа, бу масала динимизда «кафоат» (тенглик) дейилади. Бу, айниқса, бизнинг ҳанафийлик мазҳабимизда эътиборга молик масала бўлиб, учга бўлинади. 1. Эътиқоддаги кафоат. 2. Иқтисодий кафоат. 3. Касб-хунардаги кафоат. Оддий бир мисол: ўта бой кишининг қизи ўта камбағал одамга турмушга чиқса, бундай никоҳ кўп ҳолларда ижобий натижаланмайди.

Аммо «кафоат» никоҳ дурустлигининг шарти эмас, фақат эътиборга молик масаладир.

– Айрим кишилар никоҳдан олдинги келин-куёв танишувини бекорчи иш деб ўйлашса, баъзилар, аксинча, тўйгача бўладиган ортиқча «учрашув ва сайр»ларни ёқлайдилар.

– Муғйра ибн Шўъба розийаллоху анху бир аёлга совчи юборганларида Расулulloх соллаллоху алайҳи ва саллам: **«Уни кўргин, чунки (оилавий ҳаёт) давомийлиги учун бу керак»**, деганлар. Танишув-кўриш манъ этилмаган ва бунда ёшлар ўз ҳолига ҳам ташлаб қўйилмаган. Танишув дўст ёки қариндошлар гувоҳлигида ўтади. Кўриш масаласига келсак, кўпчилик фуқаҳолар юз ва икки қўлга қарашнигина мубоҳ деганлар. Чунки матлуб шунда ҳосил бўлади. Имом Абу Ҳанифа розийаллоху анху қадамга, яъни, оёқнинг тўпиқдан пастки қисмига ҳам қараш жоизлигини айтганлар.

– **Халқимиз орасида «нон ушатиш», «Фотиҳа қилиш» ва «оқлик бериш» каби маросимлар бор. Улар никоҳ ўрнига ўтадими? Уларни бузса бўладими?**

– Юқорида санаб ўтилган маросимлар ваъда холос. Ваъда никоҳ ўрнига ўта олмайди. Никоҳ бўлмаганидан кейин, табиий, уларни бузишнинг ҳеч боки йўқ. Лекин зарурат ва қаттиқ ҳожат бўлмаса, ваъдани бузмаслик талаб этилади. Чунки ўртада хонадон хурмати ва қиз шаъни турибди.

– **Никоҳдан кейинги оилавий турмушнинг ўз қонуниятлари бор. Аллоҳ таоло:**

الرِّجَالُ قَوَّامُونَ عَلَى النِّسَاءِ

яъни, **«Эркаклар хотинлар устидан раҳбардирлар»**, (Нисо, 34) дейди. Бу раҳбарлик эрларга қандай масъулият юклайди. Ўз ўрнида аёлнинг қандай ҳақлари бор?

– Оила ҳам жамиятнинг кичик бир кўриниши. Бир бошлиқ, раҳбар бўлмаса, у ҳам парокандаликка юз тутаяди. Шунга кўра Аллоҳ таоло эрни оилада бошлиқ – раҳбар этиб қўйган. Чунки эркак киши ҳам жисмонан, ҳам маънан бу мақомга лойиқдир. Оиланинг бор нафақа ва сарфиёти эрнинг зиммасидадир. Бу тўғрида фикҳ китобларида алоҳида нафақалар боби тасниф этилган. Бу бобда зикр қилинган аёл ҳуқуқларини ўқиган киши, Ислом аёллар ҳуқуқини чеклаган, деган даъво қандай кулгили эканини билиб олади. Ислом кўрсатмалари билан воқеъликнинг фарқини англайди. Бошқа томондан, эрнинг раҳбарликка маънавий ҳаққи ҳам бор. Чунки аёлга нисбатан эҳтироси ва ҳаяжонини жиловлай оладиган қурби кучли бўлгани учун у оила тотувлигининг гарови саналади. Бу лаёқат ва ҳуқуқ масъулият ҳамдир. Чунки бошқа бир ояти каримада Аллоҳ таоло: **«Ва яхши амалларда улар (аёллар) учун зиммаларидаги эрлари олдидаги бурчлари баробарида ҳуқуқлари ҳам бор»**, дейди (Бақара, 228). Яна: **«Улар билан тинч-тотув**

яшанглар», деб амр этади (Нисо, 19). Бу ояти карималарга қўшимча яна Расулulloхнинг соллаллоху алайҳи ва саллам: **«Сизларнинг яхшиларингиз аҳлларига яхшиларингиздир»**; **«Аёллар хусусида Аллоҳдан кўрқингиз»**, маъноларидаги кўрсатмалари ҳам бор.

Бугунги кунда биз эркаклар ўзимизнинг «раҳбарлик» ҳуқуқимиздан бекаму кўст фойдаланганимиз ҳолда аёлларнинг ҳам ўзига яраша ҳақлари борлигини биламизми? Кичик бир мисол: эр чойхонаю, турли «гап»ларда палов, қазии-қарта, димламаю сомса тушириб ётганида, уйдаги дастурхонда ёвғон шўрва, макарон қовурма кабилар тановул қилинса... Ваҳоланки, Аллоҳ таоло Талоқ сурасининг 7-оятда: **«Бой-бадавлат киши ўз бойлигидан (яъни, бойлигига яраша) нафақа берсин. Кимнинг ризқи танг қилинган (камбағал) бўлса, у ҳолда Аллоҳ ўзига ато этган нарсадан (яъни, ўз ҳолига яраша) нафақа берсин!»** дейди.

– **Энди мавзуимизнинг бошқа бир томони ҳақида савол берсам. Кишилар ўртасида ажрашиш сўзи «учталоқ» бўлиб қолган. Тушунишса ҳам, тушунишмаса ҳам ҳозир аксар ёшлар хотинлари билан жанжаллашиб қолишса, дарров ушбу сўзни ишлатишади. Оилада бўлиб турадиган келишмовчиликларни бартараф этишга оид шариятимизнинг кўрсатмаларини баён қилсангиз. Талоқ тушгандан кейин аёлларнинг дарҳол уйларига кетиб қолишларини қандай баҳолаш мумкин?**

– Бу масала ўзи катта бир мавзу. Қисқача айтсак, талоқ энг охирги илож ҳисобланади. Чунки Аллоҳ таоло эр-хотин ўртасида келишмовчилик чикса, биринчи бўлиб эр насиҳат қилади, дейди. Бу фойда бермаса, ўринни алоҳида қилиб олинади. Бундан ҳам иш чиқмаса, икки томондан вакиллар келиб, вазиятга баҳо бериб, уларни келиштириб қўядилар. Ана шундан кейин ҳам низо бўлаверса, талоқ ишлатса бўлади. Лекин талоқ жуда маҳбуб иш эмас. Зеро, Расулulloх соллаллоху лайҳи ва саллам: **«Ҳалол ишлар ичида Аллоҳ қаттиқ ёмон кўргани талоқ»**, деганлар.

Демак, талоқ охирги илож. Шунда ҳам сунний талоқ, яъни, бир марта талоқ қилиш, кейинчалик яшаб кетишлик имконини қолдириш керак бўлади. Талоқдан сўнг аёл идда ўтиради. Идда насаб араллашиб кетмаслиги учун ўтказиладиган муддатдир. Бу муддатни эрнинг уйида ўтказиши лозим. Идда тугагунча эр аёлига нафақа тўлашга мажбур.

Муббашшир АҲМАД
ёзиб олди.



Анвар ТУРСУН

Ният айлаб савоб ишлар

Кулингдирман, вале қулдек
итоатлар қилолмасман,
Гуноҳимни сўраб тавба
ва тоатлар қилолмасман.

Ажалнинг ҳақлигин кўрдим
ва лекин билганим қилдим,
Ният айлаб савоб ишларни
гайратлар қилолмасман.

Жабрдан жонга ниш урдим,
мудом исён билан юрдим,
Дариғо, қалбни ўлдирдим,
надоматлар қилолмасман.

Ёмоннинг яхшиси бўлдим,
умрни зое ўтказдим,
Фақат Аллоҳ ризосин деб
ибодатлар қилолмасман.

Қиёмат даҳшатин ўйлаб,
нафсининг хоҳишин бойлаб,
Ярим тунлар туриб йиғлаб
тиловатлар қилолмасман.

Танимининг лаззатин билдим
ва шайтон айтганин қилдим,
Букун нафсимни тергаб минг
маломатлар қилолмасман.

Саҳар вақтида ихлос-ла
тиларман тавфиқи Ҳақни,
Ки Анвардек холис бўлмоққа
одатлар қилолмасман.



Сенга қуллик учун келдим

Уйғониб тонг чоғлари

Не учун келдим жаҳонга гар ибодат қилмасам,
Дилни поклаб, ёлвориб Ҳаққа итоат қилмасам?

Не деган банда бўлибман, тавба-тазарру этмасам,
Уйғониб тонг чоғлари Раббга муножот қилмасам?

Тинмайин нафсим учун ёндим-югурдим, во ажаб,
Бандаи мўмин мисол борга қаноат қилмасам?

Кездим-а тақвони билмай, эрта ҳолим кўп ёмон
Қалбида имон кучайган эрдек шижоат қилмасам?

Бул гуноҳлар касридан оташда қолгум, во дариғ,
Эй Расули муҳтарам, тонг-ла шафоат қилмасанг...



Зикри Ҳақни истасанг

Сангдиллар бирла сен қурбатни кам қил, эй дилим,
Қалби кўрлар ичра сен улфатни кам қил, эй дилим,

Раҳнамои ҳақни истар неча саргардон юриб,
Кўзи мунглилар била суҳбатни жам қил, эй дилим.

Марҳаматлар кутгину саждага бошингни кўй,
Зикри Ҳақни истасанг, ишратни кам қил, эй дилим.

Шукри неъмат, фазли Ҳақ айни имондин нишон,
Нури раҳмат ичра қол, зулматни кам қил, эй дилим.

Анваро, келдинг жаҳона, топмадинг комронлиғ,
Тавба қил зорлик ила, шуҳратни хам қил, эй дилим.



Инсоф тила, нафсингга ҳеч дам берма,
Ҳамдард бўлгин, мазлумга сен ғам берма.
Васлига етайин десанг Ҳақнинг,
Бергин, олганингдан асло кам берма.

Жоним ичра жавҳари жисм бирла жонимсан, Ватан,
Жисм ичинда ёшурун руҳи равонимсан, Ватан.
Сен билан обод кўнгил шамси анвардек мудом,
Кўзларимни қувнатар жаннат маконимсан, Ватан.

Бир саволим бор



Мен «Хидоят» журналини доимо ўқиб бораман. Баъзи масалларга оид саволларим бор эди:

1. Баъзи китобларда («Салоти Масъуди» туркий, 66-бет) белбоғ боғлаб, енгини киймасдан намоз ўқиш карохилит бўлади, дейилган. Намозда қайси вақтда белбоғ боғланади ва қайси вақтда боғланмайди?

2. Рўза кунлари қуёш ботганидан сўнг эртарақ оғиз очиш мустаҳаб дейилган. Аммо баъзилар шом намозига азон айтилганидан сўнг ёки шом на-

мози ўқилганидан кейин рўзани очиш керак, дейишади. Азон рўзада оғиз очиш учунми ёки шом намозини ўқиш учун айтиладими?

3. Марҳум қабрга қўйилганида кафанинг тугунлари ечилади, дейилган. Юзи-чи, очиб қўйиладими ёки ёпиқлигича қоладими?

4. Жума кунини эҳтиётини пешин намозини ўқиш керакми?

Иброҳим ШОДИЕВ,
Қашқаларё вилояти, Китоб тумани, Бектемир қишлоғи



3. Маййит қабрга қўйилганидан сўнг кафан очилиб кетмаслиги учун боғланган боғлар тугуни ечиб қўйилади, холос. Аммо маййит юзини очиб қўйиш Исломи йўриғига тўғри келмайди.

4. Эҳтиётини пешин ҳеч бир ҳолда ўқилмайди («Фатовои Татархони»). Эҳтиётини пешин ўқиш мусулмонлар ибодатида шакшубҳа туғдириш учун мўътазиллийлар томонидан чиқарилган бир найрангдир. Жума намозининг фарз бўлиши оят, ҳадис, саҳобалар, тобеъинлар ва мухтаҳидларнинг ижмоси билан собит бўлган ва қиёматгача амалдадир («Фатовои Жунг»).

Жавоб. 1. «Фатовои Қозихон»да қаба кийилганида намозда белни боғлаш кераклиги зикр қилинган. «Қаба» деб эса, енг ўрни кенг ёриқ бўлган устки кийимга айтилади. Қабадан бошқа кийимлар устидан белбоғ боғланмайди, балки тугма, тўғноғич ё тўнбоғлар билан барларни ёпиб ўқиш одобдир. Кийим барларини мазкур йўл ила ёпиб ўқилган намоз барлари очиқ ўқилган етмиш намоздан яхшидир («Ширъат-ул Исломи»).

2. Рўзанинг вақти саҳардан қуёш ботгунчадир. Қуёш ботганлиги аниқ бўлгач, оғизни хурмо ё сув билан очиш суннатдир. Оғиз очиш учун азон айтилмайди. Азон шом намози учундир. Шом намозини эса, қуёш ботиши билан ўқиш мустаҳаб бўлади. Қуёш ботиши билан шом намозига азон айтилгач, хурмо ёки сув билан оғиз очилиб, кечиктирилмай шом намози ўқилса, икки қара ажрга сазовор бўлинади.

Жума намозига келганимда имом минбарда бўлиб, азон айтилаётган экан. Жума намозининг олдинги тўрт ракат суннатини ўқий олмадим. Унинг қазоси ўқилладими?

Аъзам КЎКЧА,
Тошкент

Жавоб. Жума намозининг олдинги тўрт ракат суннати имом хутба қилаётганида ҳам, хутбани тугатгандан сўнг фарздан олдин ва кейин ҳам ўқилмайди. Зеро, бомдод ва пешин намозларининг суннатларидан ўзга суннат намозларини қазо қилиш ҳақида шаръий далил йўқ («Раддул Мухтор»).

Бомдод намозининг суннати фақат тушгача фарзига қўшиб қазо қилинади. Пешиннинг тўрт ракат суннати (фарзига такбир айтилгани учун ўқимаган бўлса) икки ракат суннатдан олдин ўқилади. Бошқа ҳолларда суннат намозлари қазо қилинмайди.

«Шайтон итга ўхшайди» деган иборани қандай тушуноқ керак?

Абдуллоҳ САЛИМ,
Бишкек

Жавоб. Бу шаклий ўхшатиш бўлмай, феълий ўхшатишдир. Бу шайтоннинг феъли ҳам итнинг феълига ўхшайди, ит қаровсиз жойга кирганидек, зикруллоҳдан холи қалбни ҳам шайтон забт этади, демакдир («Нафул муфти»).

Жавобларни
Муҳаммад
Шариф
ЖУМАН
тайёрлади.

Қудрат ДЎСТМУҲАММАД,

Тошкент автомобил йўллари
институту профессори

ЕТТИ ОСМОН, ЕР, УЛАРДАГИ БОР ЖОНЗОТ...

Дунёвий илмларнинг кўлами кенгайиб, мазмуни чуқурлашиб боргани сайин Қуръони карим оятларининг ҳақлигини ҳатто моддиончи илм аҳли ҳам беихтиёр тасдиқ этяпти. Натижада кейинги пайтларда не-не олимлар «Ла илаҳа иллаллоҳу Муҳаммадур Расулulloҳ» дейишга мажбур қолишди.

Биз яшаб турган ер қураси, биз билган қуёш ва унинг атрофидаги жами сайёраю чанг-тўзон, газлар ва бошқа жисмлар, улар эгаллаган макон бутун коинотнинг (фалакиёт илмида «Метагалактика» дейилади) тариқча келмайдиган бир бўлагидир, холос. Илм хабар беришича, коинот галактикалардан, яъни, тўптўп қуёшлару турли хилдаги ва турли катталикдаги осмон жисмларидан, улар оралигидаги сийрак газлардан ташкил топган.

Қуёш қаттиқ жисм ҳам эмас, олов ҳам эмас, лекин ўзидан кучли иссиқлик ва нур чиқаради. Бу нарса модданинг биз ҳали яхши билмайдиган бир ҳолати бўлиб, илмда «плазма» деб аталади. Унда узлуксиз ядро реакциялари кечади, моддалар жаҳаннамий ўт ҳолида қайнаб, билқиллаб ётади. Айни пайтда, жуда катта маконни эгаллаган плазма ҳеч қаёққа сочилиб кетмайди, илмда маълум ва номаълум кучлар таъсирида яхлит қаттиқ жисмга ўхшаб айланаверади-айланаверади. Ичида эса боягидек пўртана! Плазма зичлашиб-зичлашиб, маълум бир даражага етганида портлаб кетади, фазода ўтли чанг-тўзон кўтарилиб, узоқ-узоқларга кучли иссиқлик ва нур таралади.

Фотосуратларда кўшни галактиканинг 1931 ва 1940 йилдаги ҳолати акс этган. Иккинчиси синчиклаб қаралса, қайси бир қуёшнинг портлагани туфайли битта ёруғ нуқта пайдо бўлгани кўрилади (*белги билан кўрсатилган*).

Бизнинг галактикада сўнги марта 1054 йили бир қуёш портлаган, ундан қолган туманликни XIX асрнинг бошларида фаранг фалакиётшуноси қайд этиб, «Қисқичбақасимон туманлик» деб атаган ва ўзи тузган рўйхатга киритган. Портлаш натижасида моддалар ҳанузгача катта тезлик билан сочилиб кетаётганига қарамай, туманлик яхлит бир ҳолатда тургандек кўринади, чунки унинг ўлчамлари жуда катта ва биздан жуда олисда – уч минг ёруғлик йилидан нарида!

Фалакиёт илмида қуёшлар «юлдуз» деб аталади, қолганлари «осмон жисмлари» дейилади.


Осмон жисмлари ўзидан иссиқлик ва нур чиқармайдиган қаттиқ жисмлар, сайёралар, катта-кичик тошлар (*метеоритлар*), бизга маълум ва номаълум моддалардан ташкил топган парчалар, учиб юрган йўлида тўхтовсиз буғланадиган музлар ва чанг-тўзонлардан иборат бўлиб, оралиқни турли газлар, аксари водород ва гелий тўлдирган.

Қуёшнинг атрофида сайёралар бўлади, деб тасаввур қилишга одатланиб қолганмиз. Сайёрасиз қуёшлар ҳам кўп. Биргина бизнинг галактикада юз миллиард атрофида қуёш борлиги ҳисоблаб чиқилган. Шулардан бири, бизнинг қуёшдир (*Унинг қаърида майда-чуйда портлашлар бўлиб туради*). Ана шундай қуёшлар атрофидаги осмон жисмларида ердаги сингари ҳаёт бор деб фараз қилинади.

Бизнинг галактика кўринишию ўлчамлари ҳақида аввалги мақоламизда айтилди («*Хидоят*» журнали 2001 йил 6-сон). Шундан маълумки, Сомон йўли галактикамизнинг «гардиши», биз унга яқин жойда, «лаппак»нинг четроғида турамиз ва қадрдон қуёшимиз кетаётган томонга қараб учиб боряпмиз. Бизга кўриниб турадиган юлдузлар осмонида Сомон йўлидан ташқарида жойлашганлари ҳам бор. У юлдузлар ҳам катта-кичик галактикаларга тўпланган, уларнинг жами, бизнинг галактикани кўшиб ҳисоблаганда, ўн еттита экан.

Коинотда галактикалар сон-саноксиз, мутахассислар кўпини суратга туширишган. Уларнинг аксари бизга чанг-тўзон, туманлик бўлиб кўринади. Галактикалар ҳам коинотнинг бир манзилида муқим турмасдан, турли йўналишларда силжийди ва бу ҳаракат катта тезликлар билан кечади. Кўринадики, табиатда (коинотда) ҳеч нима бир нуқтада қотиб турмайди. Тадқиқ қиламан деган одам биргина ақл ёрдамида кутилган натижага эриша олмайди. Чунки одамзотнинг билганлари доимо нуқсонлидир, хулосалари ҳам кўпинча нисбий ва тахминийдир.

Коинотни тасаввур этиш ақлни шошириб қўя-



1931 йилги ҳолат

ди, беихтиёр хайратларга тушасиз, хаёлингизда саволлар уйғонаверади:

Шунча нарса қаяқдан келиб қолди, қандай пайдо бўлди? Нега коинот «оташ»лар билан лик-лик? Нега улар маконларда чарх урганирган? Макон-масофа чегараси борми ўзи? Бўлмаса, у ёғида – ақл олмас узокликларда нималар бор? Вақт (замон) деганимиз нима, коинотда вақт қандай ўлчанади? Ҳатто куёшлар йўқолиб кетиб, янгилари пайдо бўлиб тураркан, сайёралар тақдири коинот олдиди «ўйинчоқ» экан-да? Бу дунёда мутлақ бўлган нима бор ўзи?!

Бу каби саволларга ёлғиз илм жавоб бера олмайди. Ақл ёрдамга муҳтож бўлади. Ёрдам эса, илм учун... кутилмаган ёқдан келади. Аниқроғи, инсон ақли довдираб юрмаслиги учун у ёрдам аллақачон келган, бу масалалар илоҳий илмда узил-кесил ҳал этиб қўйилган. Шулардан бир нечасини қиёсан ўрганиб чиқамиз.

Фалакиёт илмида коинотнинг шаклланишини изоҳлайдиган бир неча фараз бор. Шулардан бири «кенгаяётган дунё» деб аталади.

Галактиканинг ҳаракатини кузатган олимлар таъкидлашича, улар (галактикалар) бири-биридан секундига 75 километр тезлик билан муттасил узоклашиб боряпти. Шундан келиб чиққан ҳолда мушоҳада юритсак, олис ўтмишда коинотдаги барча галактикалар бир жойда турган бўлиб чиқади. У пайтни олимлар 12 миллиард йил муқаддам деб ҳисоблаб чиқишган. Дастлабки галактиканинг ўлчамлари эса, моддалари ўта зич бир улкан томчи катталигида бўлган, дейишади. Дунёнинг яралиши ана шу пайтдан бошланган, дегувчилар ҳам бор.

Бу бир фараз, холос. Илмдаги бошқа фаразлар ҳам тўла ҳақиқат ҳисобланмайди.

Энди Қуръони каримга муурожаат этиб кўрайлик-чи, коинот ҳақида нималар дейилган экан?

Фуссилат сурасидаги «**тутун ҳолидаги осмон**» ибораси галактикаларнинг тумансимон кўринишини эслатади. Улардаги газларнинг айланма ҳаракатидан ва зичлашиб

боришидан куёшлар ва сайёралар ҳосил бўлади деган илмий фараз бор. Бундай жараён доим бўлиб туради, ҳозирги кунларда ҳам қай бир манзилларда янги куёш, янги сайёралар шаклланиб бораётгандир...

«**Биз энг яқин осмонни юлдузлар билан зийнатладик**» (37:6);

«**Биз қуйи осмонни чироқлар – юлдузлар билан безадик ва** (уни офат-балолардан) **сақладик**» (41:12).

Нима учун **қуйи осмон** ёки **яқин осмон** деган савол туғилади. Демак, «юқори осмон» ҳам бор-да! «Тафсири ҳилол» муаллифи ёзади: «Инсонлар яшаб турган бу дунё осмони, уларга энг яқин осмондир». Унда, «юқори»ни қандай тасаввур қилмоқ керак? Буни биз ҳозирча билмаймиз.

«**Бас, икки кунда етти осмонни барпо қилди**» (41:12).

«**Етти осмон**» яна бир жумбоқ. Бу ибора шунчаки сўз ўйини эмас. «Тафсири Ҳилол»-да: «Аллоҳ таоло зикр қилган етти осмоннинг ҳақиқатини бу ёлғончи дунё илми кашф қилганича йўқ», дейилган.

«**Биз осмонлар ва Ерни ҳамда уларнинг орасидаги нарсаларни ўйнаб бехуда яратганимиз йўқ**» (44:38); «**У Зот осмонни баланд қилиб қўйди ва сизлар тош-тарозуда туғёнга тушмасликларингиз учун мезон-тарозуни ўрнатди**» (55:7-8).

«Тафсири Ҳилол»га кўра «тарозу» деганда «адолат» назарда тутилган. Уни «Ислом дини, Қуръон китоби, Муҳаммад алайҳиссалом пайғамбари орқали ўрнатмаганида, адолат мезони бузиларди, ҳақдан ботил устун келарди», дейилган. Оят баланд осмон ҳақида гапира туриб, бирдан ерга, аниқроғи, бозорга тушиб, тош-тарозуни тилга олаётгандек. Аслида, мезон юлдузлар туркумига ишора йўқмикан бу ерда, деган фикр хаёлга келади.

«**Биз осмонлар ва ерни ҳамда уларнинг ўртасидаги нарсаларни фақат Ҳақ** (қонун) **ва** (Қиёмат кунигача) **белгиланган муддат билан яратдик**» (46:3); «**У куёшни ҳам, ойни ҳам** (ўз амрига) **бўйсундириб қўйгандир**. (Уларнинг) **ҳар бири маълум муддатгача жорий бўлур**» (39:5).

Бу оятлар галактикалардаги куёшларнинг ҳам умри ўлчоғлиқ эканига, вақти-соати келганида портлаб кетиши ёки янгилари пайдо бўлишига ишора қилади.

Қуръони каримнинг қатор сураларида: «**Албатта, бунда ақл эгалари учун оят-ибратлар бордир**», дея бот-бот такрорланади. Ақл эгалари бўлсак, Каломуллоҳдан кўплаб илмий хулосалар чиқариб олишимиз шубҳасиз.



1940 йилги ҳолат

УСТОЗ СОБИТХОН ТЎРА

Наманган вилояти, бутун Фарғона водийида шуҳрат қозонган, чуқур билим, кенг мушоҳада соҳиби, муттақий Собитхон тўра ғоятда табарруқ инсон, орифи биллоҳ бўлганлар. Собитхон тўра саййидлардан бўлиб, тўлиқ исми шарифлари шайх Мавлоно Саййид Собит Алил-маъони ал-Ҳанафий ибн Саййид Файзхон ан-Намангонийдир. Бу зот ҳижрий 1283 (милодий 1866) йили Наманганнинг таниқли уламоларидан Файзхон тўра хонадонидан дунёга келган.

Собитхон илк сабоқни падари бузрукворидан олди. Кейин шаҳардаги Азизхожа ва Саййидқулбек мадрасаларида таҳсил кўрди. Ўша йиллари Наманганнинг атоқли уламоларидан Иноятхон Лангарий ҳазратлари ҳам Собитхон тўрага устозлик қилганлар.

Шундан сўнг ёш Собитхон чуқурроқ илм олиш мақсадида Ҳўқанди латифдаги Мадрасаи Хонда таҳсил кўрди. Тафсир, ҳадис, фикҳ, балоғат бобида илм олгач, Наманганга қайтиб мударрислик қилди.

Саййид Собитхон илк бора ўн икки ёшида ҳаж қилганлар. Охириги марта ҳаж қилганлари-

да бир муддат Мадинаи мунавварада истиқомат қиладилар. Бир кеча тушда Расулulloҳни (с.а.в.) кўрадилар. У Зот (с.а.в.) олимга «Ватанга қайтгин!» ишорасини қиладилар. Шундан кейин Собитхон тўра Наманганга қайтиб келиб, мактабдорлик қиладилар, шогирдларига илми қол ва илми ҳол ўргатиб, тарбия этадилар.

Собитхон тўра ўша даврнинг энг кучли воизи, машҳур муфассири, юзлаб шогирдларига иршод берган етук устоз эдилар. Унинг ваъз-маъвизаларини тинглаш учун одамлар масжид ва дарсхоналарни тўлдириб юборишар, кўплар таъсирланиб йиғлаб ўтиришар эди.

Тадқиқотчи олим Аҳмад Убайдуллоҳ шундай ёзади: «Собитхон тўра илоҳиёт, тасаввуф, тафсир, ҳадис, фикҳ, тил ва адабиёт, жуғрофия, фалсафа, руҳиятшунослик, риёзат ва бошқа илмлардан яхши хабардор бўлиб, «Башорат ун-нажот фи ишоратис-салот» («Намоз ишоратида нажот башорати»), «Рисолаи китобит-талоқ», «Кашф ун-ниқоб ан масъалат ил-ҳижоб» («Ҳижоб масаласидан ниқобнинг очилиши»), «Ал-фатво» асарлари араб тилида ёзилган бўлса, «Тажҳиз ул-амвот») («Ўлганларни жиҳозлаш») асари ўзбек тилида битилган. Бу китоблар тошбосма усулида чоп этилиб, дарслик сифатида ўқитилган.

Собитхон тўра аҳли дониш қатори ўз ватани Туркистонни ҳаддан зиёд яхши кўрардилар. Уни истибдоддан халос бўлган ҳолда ҳур-озод кўришни истар эдилар.

Собитхон тўра зуҳд ва тақвода маҳкам, дунё васвасаларидан этак силкиган зоҳид, соҳиби қаромат аллома эдилар. У зот дунёнинг шодлигига севинмас, охираат қайғусида тинмас, сабру қаноатли бўлганлар. Китобларидан бошқа бойликлари йўқ эди. Рўзғорларини суннатга мувофиқ тебратар, хонадонларига оқиб келадиган эҳсонхадяларни ўша куниёқ фақирбечораларга, ночор шогирдларига тарқатиб юборардилар. Рўзғорда фақат бир кунликка етадиган таом қолдирардилар. Йигин-мажлисларда мол-дунё хусусида сўз боришига йўл қўймасдилар.

Юртимизда илми ирфон тарқатиб, юзлаб шогирдларни тарбиялаб етиштирган бу инсон ҳижрий 1346 (милодий 1926) йилда Наманганда вафот топдилар. Аллоҳ раҳмат қилсин.

Аҳмад МУҲАММАД ТУРСУН

VI

Дуо



Аллоҳим! Сендан ушбу исмларинг билан илтижо қилиб тилайман ва ёлвораман:

1. Эй азаматига ҳар нарса бўйинсунгувчи!
2. Эй қудратига ҳар нарса таслим бўлгувчи!
3. Эй иззати олдида ҳар нарса залил бўлган!
4. Эй ҳайбатига ҳар нарса итоат этган!
5. Эй салтанати қаршисида ҳар нарса инқиёд этган!
6. Эй кўркувидан ҳар нарса Унга бўйин эгган!

7. Эй кўркувидан тоғлар ёрилган ва парчаланган!

8. Эй амри-ла кўклар ҳазир туррадиган!

9. Эй изни-ла ер ўрнида қарор топган!

10. Эй мамлакатининг аҳолисига зулм қилмайдиган Зот!

Сен барча қусўр ва нуқсон сифатлардан муназзаҳсан. Сендан бошқа илоҳ йўқки, бизга мадад берса. Омонлик бер бизга, омонлик тилаймиз. Бизни жаҳаннамдан асра!

Азиз АБДУРАЗЗОК

Бу дунё бир меҳмонхонадир

Биз меҳмонмиз

Бу дунё бир меҳмонхонадир,
Меҳмондай тут ўзингни, инсон.
Очмисанки, кўзинг ёнадир
Ёзилганда тўкин дастурхон?

Қизиқмагин, ёнмагин ял-ял,
Бир оз тийил ва бўлгин огоҳ.
Меҳмонлардан, мезбондан уял —
Биз меҳмонмиз, мезбондир
Аллоҳ.



Ўзинг нажот бер

Тушларимда учмайман кўпдан,
Енгилгина тушмайман кўкдан.

Бир бечора қушдайман гўё,
Юксаклардан йиқилдимми ё?

Чунки мен ҳам гуноҳкор банда,
Изтиробим дил ўртаганда

Ўзинг менга нажот бер, Аллоҳ,
Қиёматда қанот бер, Аллоҳ...

Илтижо

(Марсия эмас)

Муҳаббатим кетди тупроққа,
Маҳшаргача у ёлғиз энди.
Мени ташлаб дарду фироққа,
Бу кун ўзи ўзидан тинди.
Сукут — ишим, сабр — гувоҳим
Ўтажакман зўр тоқат билан.
Қиёматда мени, Аллоҳим,
Тирилтиргин муҳаббат билан...



Кўрқиб яшайман

Мен доимо кўрқиб яшайман,
Сал шарпадан чўчиб яшайман.
Майли мени қуёнқалб десанг,
Аҳволимдан тош қотса энсанг.

Барибир мен кўрқиб яшайман,
Ҳар лаҳзада чўчиб яшайман.
Токи умрим бўлгунча тамом
Бу огоҳлик этажак давом.

Мен Аллоҳдан кўрқиб яшайман,
Раҳмат умид этиб яшайман.

Қушлар қўшиғи

Бошланади қушлар қўшиғи
Айни бомдод — тонг палласида.
Дерсан: улар ҳаёт ошиғи,
Қўшиқлари унга қасида.

Янглишасан, бу ибодатдир,
Зикру тасбеҳ ва ҳамду сано.
Билганларга бу бир ибратдир,
Фикр қилмай бермагил баҳо.

Оддийгина хонишмас асло
Илк тонгдаги қушлар овози.
Бу Аллоҳга ҳамд ила сано —
Қуш тилида бомдод намози.



Тилак

Юз ёзнинг иссиғи йнғилса агар,
Юз қуёш бошингга йиқилса агар,
Дўзадан сачраган учкунча бўлмас —
Бўлажак азобдан қолма беҳабар.

Қушлари нағмасоз боғлар яхшидир,
Ёқимтой эпкинлик тоғлар яхшидир,
Жаннатда кечажак чоғлар яхшидир,
Бўлажак азобдан қолма беҳабар.

Иссиққа, совуққа чидаб яшагин,
Аллоҳга чин адаб сақлаб яшагин,
Савоб аргумоғин қичаб яшагин,
Бўлажак азобдан қолма беҳабар.



(Давоми. Бошланғичи ўтган сонда)

Валид ибн Абдумалик халифалиги пайтида Аллоҳ таоло Урва ибн Зубайр раҳматуллоҳу алайҳни имтиҳон этишни хоҳлади. Бу синовнинг азоб-уқубатига имони мустаҳкам инсонгина бардош бериши мумкин эди.

Халифа Урва ибн Зубайрни Дамашқ зиёратига чақиради; рози бўлиб, ўзи билан бирга катта ўғлини ҳам олиб боради. Меҳмон жуда яхши кутиб олинади, ҳурмат-иззат кўрсатилади.

Урванинг ўғли отларга қизиқиб, халифанинг отхонасига киради. Отлардан бири бехосдан болани тепиб ўлдиради.

Фамга ботган ота ўғлини қабрга жойлаб-жойламай бир оёғига қорасон дарди ёпишади. Оёқ кун сайин шишаверади, оғриқ зўраяверади. Халифа даволаш учун энг машҳур табибларни чорлайди. Улар касалликни ҳар хил усуллар билан муолажа қилишга уринадилар. Аммо фойдаси бўлмайди. Алалоқибат, шиш бутун танага ёйилиб, ўлимга сабаб бўлмасдан олдин оёқни кесиш лозим, деган қарорга келдилар. Урва иложсиз рози бўлади.

Жарроҳ ишга тайёргарлик кўради, асбобларини олиб келади.

«Оғриқ сезилмаслиги учун сизга бир қултум мускир (маст қилувчи ичкилик) берамиз», дейди жарроҳ.

«Йўқ, йўқ, мутлақо. Соғлиқни деб ҳаром ишлатишни истамайман», деб жавоб қилади Урва.

«Бўлмаса, афюн истеъмол қиласиз».

«Йўқ. Аксинча, оғриқни сезиб турганим яхши. Бунинг учун эса, Аллоҳдан савоб умид қиламан».

Жарроҳ кесиладиган жойни чамалади ва Урванинг ёнига бир неча кишиларни бошлаб келди.

«Бу яна нимаси?» деди Урва ҳайратланиб.

«Оғриқ кучайиб кетса, оёқни қимирлатиб юборсангиз, сизга зарар етади. Булар сизни қимирлатмай ушлаб турадилар», деди жарроҳ.

«Уларга рухсат бергин, кетаверишсин. Ҳеч зарурати йўқ. Тасбеҳ ва зикрнинг ўзи етарли бўлади, деб ўйлайман», деди Урва. Табиб ишга киришди. Аввал оёқ гўштарини юлиб олди, суякка етгач, аррани ишга солди. Жарроҳ бир маромда ишлар, Урва эса: «Ла илаҳа иллаллоҳ», «Аллоҳу акбар», дея тасбеҳ ва такбир айтарди.

Оёқ кесиб ташланди. Сўнгра қонни тўхта-тиш учун темир идишда қиздирилган ёғга ботирилди. Урва ҳушидан кетди, узоқ вақт ўзига келмай ётди ва ўша кунни Қуръони каримни ўқий билмади. Умрида бир марта доимий одати мажбуран тарк этилди. Соғайгач, кесилган оёқни сўради. Келтиришди. Урва уни қўлига олиб, айлантириб кўрар экан айтди: «Аллоҳга қасамки, у зот мен ҳеч қачон ҳаром йўлга юрмаганлигимни билади, албатта».

Сўнгра Урва мадиналик шоир Маън ибн Авсининг қуйидаги байтларини ўқиди:

**«Шубҳали нарсаларга чўзмадим ҳеч қўлимни,
Оёқларим фаҳшдан тўсиб қўйди йўлимни.
Қулоғу кўзларим ҳеч бузукликни хушламас,
Фикр ҳамда хаёлим ифлосликка бошламас.
Менга келган мусибат фақат менга келганми?
Аввал ўтган инсонлар мусибат кўрмаганми?»**

Валид ибн Абдумалик меҳмони Урванинг бошига тушган мусибатдан маҳзун бўлди, улуғ меҳмон аввал ўғлидан, сал ўтмай бир оёғидан ажралган эди. Урва мусибатларга сабр этди.

Бир кун Авс қабиласидан бир неча киши халифа ҳузурига келди. Улар орасида бир кўзи кўр кимса ҳам бўлиб, халифа ундан:

«Кўзингга не бўлди?» деб сўради.

«Эй амирал мўминин, – деди ҳалиги киши, – менинг мол-дунёим, аёл ва болачақаларим кўп эди. Қабиланинг энг бойи эдим. Мол-дунё ва аҳли-аёлимни олиб, қавмим яшайдиган жойдан четроқдаги бир водийга бордим. Ўша ерда яшамокчи эдим. Аммо даҳшатли сел келиб, бор нарсамни оқизиб кетди. Биргина туям ва эндигина туғилган чақалогим омон қолди, холос. Туя ҳам қоча бошлади. Боламни ерга қўйиб, туяни тутмоқчи бўлдим. Узоқ кетмаган эдим, бола

чинқиргандек бўлди. Қарасам, чақалоқнинг бошини бўри ғажийётган экан. Уни кутқариш амримаҳол эди. Туянинг изидан кетдим, энди етиб борганимда юзимга бир тепди. Афтим қонга беланди, кўр бўлиб қолдим. Хуллас, бир кечада хотин, бола-чақасиз қолдим, мол-дунёим сувга оқди, кўзим кўр бўлди».

Халифа хизматкорига буюрди: «Бу кишини меҳмонимиз Урванинг олдига олиб бор. Унга бошидан кечирганларини сўзлаб берсин».

* * *

Урва ибн Зубайр Мадинага қайтди. Уйига кириб, ўз ҳолатига ишора этиб: «Қўрқманглар, кўрқманглар, – деди аҳли аёлига, – Аллоҳ таоло менга тўртта бола берган эди, бировини олиб қўйди, учта қолди. Шунга ҳам шукр. Парвардигорим менга икки оёқ берган эди, бирини олди, шунисига ҳам шукр. Аллоҳга қасамки, ул зот мендан озгина нарсани олиб, кўпини қолдирди... Бир марта дард бериб, узоқ вақт танамни саломат қилди».

* * *

Урва ибн Зубайрнинг уйига қайтганини эшитиб Мадина халқи кўнгил сўраш учун селдай оқиб кела бошлади.

Иброҳим ибн Муҳаммад ибн Талҳа Урвага ҳамдардлик билдира туриб, шундай ажойиб сўзларни айтди: «Эй Абу Абдуллоҳ, сиз хурсанд бўлинг. Чунки аъзоларингиздан ва болаларингиздан бири сиздан олдинроқ жаннатга кирди. Аллоҳ хоҳласа, бутун қисмга эргашгусидир. Аллоҳ таоло бизга сизнинг илмингизни қолдирди. Биз шунга мухтожмиз, бошқа нарсамиз етарли. Парвардигор бу мусибат туфайли сизга ҳам, бизга ҳам фойда келтирсин. Савоб берувчи ҳам, ҳисобкитоб қилувчи ҳам Аллоҳнинг ўзидир».

* * *

Урва ибн Зубайр умр бўйи мусулмонларни тўғри йўлга бошлади, уларга ёрдам берди ва яхшилиқка чақирди. Айниқса, болалар тарбиясига жуда қаттиқ аҳамият берди, доимо чиройли насихатлар қилди. Урва болаларни илм олишга тарғиб эта туриб, шундай дер эди:

«Эй болаларим, илм олинглар, унга бор кучингизни сарфланглар. Агар сиз қавмнинг кичиги бўлсангиз, Аллоҳ таоло илмингиз туфайли сизни каттага айлантиради. Ҳайҳот, дунёда жоҳил олимдан кўра қабиҳроқ ким бор?!»

Урва ўғилларини Аллоҳ йўлига ҳадя беришга чақирарди:

«Эй болаларим, қавмнинг улуғига нима берсангиз, Аллоҳ йўлига ҳам худди шундай қий-

матли нарсани ҳадя этинг. Чунки Аллоҳ таоло энг азиз, энг сахий ва энг ҳақли зотдир».

Урва ибн Зубайр болаларига одамлар табиати хусусида сўзлаб айтардики:

«Эй ўғилларим, агар бирон одамнинг яхши амалини кўрсангиз, гарчи бу иш одамлар наздида ёмон бўлса ҳам, унга яхши муомалада бўлинглар. Чунки унинг бошқа хайрли амаллари ҳам бор. Мабодо бировнинг ёмон ишини кўрсангиз, гарчи бошқалар наздида яхши бўлса ҳам, ундан эҳтиёт бўлинглар. Чунки унинг ёмон амаллари кўп бўлади. Билиб қўйингларким, яхши ишлар ҳам, ёмон ишлар ҳам ёлғиз бўлмайди».

Урва доимо ўғилларини мулойим, ширинсўз ва очиқкўнгил бўлишга чақирар эди:

«Эй болаларим, ҳикмат китобларида, агар ширинсўз, очиқкўнгил, очиқюзли бўлсангиз, одамларга эҳсон қилувчидан ҳам суюклироқ бўласиз, деб ёзилган».

Урва ибн Зубайр одамларда кайф-сафо ва айш-ишратга мойилликни кўрса, Расулуллоҳнинг (с.а.в.) оғир ва машаққатли ҳаётларини эслатар эди.

Мадиналик тобеинлардан Муҳаммад ибн Мункадир (ҳижрий 130 йилда вафот этган) шундай ривоят қилади:

«Бир куни Урва ибн Зубайр билан учрашиб қолдим. У қўлимдан тутиб:

– Эй Абу Абдуллоҳ, мен онамиз Оиша (р.а.) ҳузурларига кирганимда, менга: «Эй ўғлим», деди. «Лаббай», деб жавоб бердим.

«Аллоҳга қасамки, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг уйларида қирқ кунлаб ўчоққа ҳам, чироққа ҳам олов ёқилмаган кунлар бўларди».

«Эй Она, унда кунингиз қандай кечар эди», деб сўрадим. Шунда Оиша онамиз (р.а.):

«Хурмо еб, сув ичардик», дедилар.

* * *

Урва ибн Зубайр етмиш бир йил умр кўрди. Унинг ҳаёти хайрли ишлар ва яхшилиқларга тўла, тақвога кўмилган бир ҳаёт эди.

Ажал етиб келган куни ҳам Урва рўзадор эди. Оила аъзолари унга рўзасини очиб, ифторликка ундаганларида, рози бўлмади. Чунки у жаннатда хурлар келтирган олтин косадаги кавсар суви билан оғиз очишни ният қилган эди.

Баҳодир НУРМУҲАММАД

гайёрлади

РЎЗА ҲАҚИДА БАЪЗИ МАСАЛАЛАР

Ислом динининг беш рукнидан бири Рамазон рўзасидир. У ҳижратнинг иккинчи йилида фарз бўлди. Комил адо этилган рўзанинг самараси тақво бўлса, ҳар бир тақводор Аллоҳ таолонинг дўстидир.

Рўза шаръий кун (тонг отгандан қуёш ботгунча) давомида Аллоҳ таолога тоат ниятида еб-ичиш ва жинсий алоқа қилишни тўхтатишдир. Рўза комил бўлиши учун рўзадор ноҳўя сўзларни оғзига олмаслиги, гийбат ва бўҳтон қилмаслиги ва уларга қулоқ солмаслиги керак.

Рўза турлари

Рўза вақт эътибори билан қуйидаги турларга бўлинади:

— муайян вақтда адоси фарз бўлган рўза (Рамазон ойи рўзаси);

— исталган вақтда адоси фарз бўлган рўза (Рамазон рўзасини тутолмаган кунлар қазоси ва зиҳор, қатл, қасам ҳамда ҳаждаги жиноятлар учун белгиланган рўзалар);

— муайян кунда адоси вожиб бўлган рўза (кунини атаб ўзига рўза тутишни назр қилган кишига);

— исталган кунда адоси вожиб бўлган рўза (кунини белгиламай рўза тутишни ўзига назр қилган кишига);

— ҳар бир мўмин тутиши ё тутмаслигида ихтиёрли бўлган (нафл) рўза (душанба билан пайшанба, арафа ва ҳар оининг

Абу Ҳурайра (р.а.) ривоят қиладилар: *«Расулulloҳ (с.а.в.): ҳеч ким эҳтиёт юзасидан Рамазондан бир ёки икки кун илгарии рўза тутмасин, рўзани Рамазонда янги ой чиққанини кўриб сўнг тутсин, аммо ҳафтанинг маълум кунлари доимо нафл рўза тутиб юрган одам рўзаси Рамазон арафасидаги кунларга тўғри келиб қолса, мутаверсин»*, деб айтганлар.

Бухорий ривояти



ўн учинчи, ўн тўртинчи, ўн бешинчи кунларида ҳамда Шаввол ойида олти кун); «Шарҳи Зоҳидий»да душанба ва пайшанба кунларида рўза тутишни одат қилмаслик афзал дейилади. «Ҳазона»да Шаввол ойида олти кун рўзани ҳар ҳафтада икки кундан тутмоқ мақбул деб кўрсатилган;

— тутилиши ҳаром бўлган рўза (икки ийд, ташриқ кунлари);

— тутилиши макруҳ бўлган рўза (ашуроода, шанба кунлари ва йил давомида узлуксиз рўза тутиш каби).

Рўза ниятининг вақти

Рамазон рўзасига, белгиланган назр ва нафл рўзаларига қуёш ботгандан бошлаб то шаръий куннинг ярмигача ният қилиш мумкин. Куннинг ярми ўтса, ният вақти ўтган бўлади. Рўзанинг мазкур уч туридан бошқа турларига тонг отгунча ният қилмоқ керак. Ниятда қайси рўзани тутишни кўнгилдан ўтказилса кифоядир. Рамазон рўзасининг ҳар кунига ният лозим.

Шак куни ҳақида

Шабон оинининг йигирма тўққизинчи куни гурубида янги ой чиққан-чиқмагани кўриш керак. Агар янги ой кўринмаса, кейинги кун шак куни бўлади. Шак куни Рамазон рўзасини ният қилиб рўза тутиш

ҳаромга яқин — таҳримий макруҳдир. У куни фақат нафл ниятида рўза тутмоқ макруҳ эмас. Нафл рўзага ният қилмаганлар учун куннинг ярмигача еб-ичишдан тийилиб турмоқ афзалдир. Агар бу вақтгача Рамазон ойи кўринганлиги хабари келса, рўзага ният қилинади, акс ҳолда, еб-ичиш мумкин бўлади.

Маҳкам Маҳмуд АНДИЖОНИЙ,
Шокирхон ШОДМОНХҶА ўғли

МАРДОНА БЎЛ, ЁВ БИЛ ЁЛҒОННИ

(Қуръон оятлари Пушкин ижодида)

Рус шоири Александр Пушкиннинг куйидаги мисраларини ўқиган мусулмон китобхонлар ҳайратланади:

*Мардона бўл, ёв бил ёлғонни,
Хақ йўлидан дадил ва марғуб,
Етимларни суйиб, Қуръонни
Қуларимга айлагил тарғиб!*

Хўш, Пушкин Қуръони каримни, Ислом маънавий оламини яхши билганми? Билган бўлса қардан ўрганган?

Пушкин 1824 йилда ажойиб ва машҳур «Қуръонга тақлид» шеърини ёзади. Бу асарга рус танқидчиси В. Белинский юқори баҳо бериб: «Қадимги Эллада илҳомлари руҳи билан сугорилган «Қуръонга тақлид» Пушкин шеърини гултожида порлаган олмосдир!» дейди.

Манзуманинг иккинчи банди Қуръони каримнинг Нур, Нисо, Аҳзоб суралари мазмунидан илҳомланиб ёзилган бўлса, учинчи банди Абаса, Инсон, Қиёмат, Муззаммил суралари мазмунидан сув ичгандир.

*Нимасига кеккаяр инсон?
Туғилгани учунми ожиз,
Кўгирчоқдек яшаб нотавон,
Сўнг ўлгани учунми ожиз?*

Бу мисраларда заиф бандаларнинг такаббурлиги, бу дунёда ўзини қудратли деб билган, кеккайган зотлар қиёматда заиф, ожизу нотавон бўлиб қолиши, «кошки дунёга келмаган, туғилмаган бўлсақ эди», деб афсус-надоматлар қилиши содда ифодаланган.

Туркумнинг тўртинчи шеъри

Абдулла Шер таржимаси.

ўзини Худога тенглаштирган малъун Намруд билан Иброҳим алайҳиссалом баҳсини ёдимизга туширади:

*Дединг: «Ерга бахш этиб ҳаёт,
Жазоларман ўлим билан бот,
Измимдадир менинг бор дунё».
«Мен ҳам, — деди у,*

— бериб ҳаёт,

*Жазоларман ўлим билан бот».
Лек сендаги илоҳий шахддан
Учди осий такаббур уни:
«Мен кўтаргум қуёшни*

шарқдан,

Қани, кўтар гарбдан сен уни!»

Шеърини туркумнинг бешинчи қисмида Пушкин Қуръоннинг Бақара сурасидаги ояти карималардан илҳомланиб, Яратганга мурожаат қилиб, бундай мисраларни биттади:

*Сен қуёшни ёқдинг, Яратган,
У ёритгай еру кўкни тек.
Биллур ичра ёғду таратган
Зайтуни мойи синган пиликдек!*

Шу ерда шоир ўзига, ўқувчига мурожаат қилиб, айтади:

*Яратганга сизин, у қодир:
Жазирама кунда ҳимоя,
Булутларни кўкка йиғадир,
Бахш этадир оғочга соя.
У шафиқдир: У Муҳаммадга
Очди порлоқ Қуръонни аршдан.
Топинайлик Нури абадга,
Кўзимиздан арисин туман.*

Туркумнинг қолган қисмларида ҳам шоир Қуръони каримда келган бирор воқеа ёки ўғитлардан илҳомланиб жуда чиройли ифодалар яратади.

«Қуръонга тақлид» жами

тўққиз бобдан иборат бўлиб, у ками билан 33 сурадаги 88 ояти карима таъсирида битилган деб тахмин қилинади. Табиийки, ўқувчиларни Пушкиннинг Қуръони каримга муносабати сабаби қизиқтиради. Шоирнинг Қуръонга ҳурмат-эҳтироми унинг шажарасига, насабига алоқадор бўлса керак. Пушкиннинг катта бобоси Иброҳим Ханбал (1697–1781) асли Ҳабашистоннинг шимоли-шарқидagi Мариб дарёси бўйида жойлашган Лоғун шаҳридан бўлиб, отаси Усмонли Турк халифалигига қарашли шаҳарнинг ҳокими эди.

Ҳокимнинг ўн уч ёшли ўғли Иброҳим турк мулозимлари томонидан гаровга олиниб, Туркияга келтирилгач, уни Русия элчиси сотиб олади ва Масковга олиб келади. Тақдирни қарангки, Русия императори Петр I (1672–1725) ёш Иброҳимни қарамоғига олиб, уни Вилно шаҳар черковларидан бирида чўқинтиради. Натижада у Иброҳим Ханбал эмас, «Абрам Петрович Ганнибал» исми билан тарихга кириб қолади.

Шу боисдан пушкиншунослар шоирни Шарқ шеърини, айниқса, Қуръони карим оятларига қизиқтирган асосий туртки унинг аждоди Иброҳим Ханбалдан ўтган бўлиши керак, деб тахмин қиладилар. Бундан ташқари, Пушкин мазкур асарини ёзган даврда муқаддас Қуръони карим Русияда биринчи марта (1787) тошбосма усулида босилиб чиққан, шунингдек, 1698 йилда лотин тилида, 1828 йилгача олти марта франсуз тилида, инглиз ва испанчада ҳам бир неча бор чоп этилган эди. Пушкин бу Оврупа тилларидан яхшигина хабардор бўлгани, айниқса, франсузчани яхши билгани маълум ва Қуръоннинг мазкур тилларга таржималарини мутолаа этиб, ўзига таъсир қилган жойларини қаламга олишга урингани табиийдир.

Баҳорий шудринларда ҳеч оёқланг юрганмисиз? Салқин кечаларда барра майсаларга, ўсимликларнинг ва гулларнинг нафис баргларига қўнган беғубор шудринларга ҳеч юзларингизни ювганмисиз? Тароватини танангизда ҳис этганмисиз? Бу айтилганларнинг устига шудринг томчилари шифобахш ҳамдир.

Севимли ёзувчимиз Тоҳир Малик кўп йиллар давомида ён дафтарчаларига тушган қайдларини тўплаб, бир китобча ҳолига келтирибдиларки, биз уларни роҳатбахш шудринг томчиларига ўхшатдик ва шундай деб номладик ҳам. Майсалар юзидаги шабнамларга юзингизни чайиб ҳузур қилсангиз, ушбу китобчадаги шудринлар қалбларингизни ювади, фикрларингизни тиниқлаштиради. Маънавий иллатларимизга шифо ҳам бахш этади, инша Аллоҳ. Яхшиликни сизларга ҳам илиндик, азиз ўқувчимиз. Ушбу сондан эътиборан "Шудринг томчилари"дан баҳраманд бўла бошлайсиз.

Тоҳир МАЛИК

ШУДРИНГ ТОМЧИЛАРИ

Бениҳоят шафқатли ва меҳрибон Аллоҳ номи билан бошлайман.

Ассалому алайкум, ардоқли китобхон!

Аллоҳ насиб этса, яна бир янги китоб баҳонасида сиз билан суҳбат қуришдан умидворман. Аввалги яхши-ёмон ёзганларим баҳона мен сиз азизларнинг уйлариңизга меҳмон сифатида кириб борган эдим. Бу сафар камина мезбон бўлиш тараддудиди. Сиз азизлар эса, меҳмоним бўласиз. Меҳмонга ёзилажак ғойибона дастурхонга ён дафтарчамдаги кўп йиллик қайдларимни қўймоқчиман. Фақат, эътироф этишим керак, бу йўлда қусурлиман. Чунки мазкур қайдларни ё бирон китобда ўқганман, ёки бирон одамдан

эшитганман, аммо манбани ўша дамда ёзиб қўймаган эканман. Тўғри, айрим фикрлар каминанинг хаёли маҳсулидир, бироқ буларни ҳам айнан ўзимга тегишли деб айтолмайман. Хаёлимга келиб, қоғозга тушган фикрларнинг асосида барибир улуғлар ҳикмати ётади.

Мазкур китобда Япон шеърятига тақлидан ёзилган айрим шеърӣ машқлардан намуналар беришга ҳам журъат этдим.



* * *

Бир куни шаҳар сайрига чиққан подшоҳнинг рўпарасида пайдо бўлган гадо тиланибди. Подшоҳ унга битта олтин танга бериб, сахийлигидан ўзи мамнун ҳолда, жилмайибди. Гадо эса, норози оҳангда:

- Эй подшоҳим, ҳисобсиз

ҳазинанг бўлгани ҳолда ўз уқанга биттагина танга беришдан уялмадингми? - дебди.

Бу гапдан подшоҳ ажабланибди:

- Ие, қачондан бери сен менинг укам бўлиб қолдинг?

- Нечун ҳайрон бўласан, подшоҳим, ахир сенинг насабинг Одам билан Ҳавводан бошланмайдими? - деб сўрабди гадо.

- Ори-ори, сўзларинг рост, - дебди подшоҳ.

- Менинг насабим ҳам шундай: икковимизнинг ҳам ота-онамиз Одам билан Ҳавво бўлгач, оға-ини ҳисобланмай-мизми?

Гадонинг гапи латифанаморивоятга ўхшагани билан исбот талаб этилмайдиган ҳақиқатдир.

Ҳазрати Билол розийаллоҳу анҳудан: "Сенинг отанг ким?"

деб сўрашганида, у зот: "Менинг отамга малоикалар сажда қилишган", деб жавоб қайтарган эканлар.

Алқисса, дунёда яшаб турган одам болалари ватанлари, миллатлари, ирқларидан қатъи назар, оға-инидирлар. Бу ҳақиқатни барча идрок қилар, деб ўйлайман, Мени ажаблантирган нарса: асли насаблари бир эканини билганлари ҳолда ўзаро ёвлашадилар. Катта-кичик урушларни бошлашдан чарчамайдилар. Ажабки, жанг майдонининг у томонидагиси ҳам, бу томонидагиси ҳам Худода бир хилда муножот қиладди — ўзига омонлик, рўпарасидагиларга эса ўлим тилайди. У душман деб ҳисоблаб ўлим тилаётган одамнинг ким эканини билмайди. У ҳам оиласини, фарзандларини ўйлаб, руҳан азоб чекаётгани бу ёқдаги-

га номаълум. Урушда қайси бир томондир ютади ёки иккала томон ҳам ютмаслиги мумкин, ammo жонини тикиб, муҳораба азобларини тотган жангчи учун бу ютуқлардан наф қанча. У қиёмат жанглардан омон чиққанига шуқр қилади, холос.

Маккаи мукаррамада, Байтуллоҳда, Ҳажарул Асвад қаршисида икки ҳожи ёнма-ён ибодат қилишарди. Бири эронлик, иккинчиси ироқлик эди. Бир диндаги бу икки одам неча йил аввал "ўз мамлакатлари манфатлари учун" қўлга қурол олган эдилар. Жанг майдонининг икки томонидан туриб олиб бир-бирларини ўлдирмоқ қасдида ўқ узган эдилар. Улуғ марҳаматли Аллоҳ уларнинг жонини сақлаб қолиб, бу муқаддас уйда уларни учраштирди. Ибодатдан сўнг улар бир-бирларига салом бериб, туғишган биродарлар каби кучоқлашиб кўришдилар.

Одам болалари ҳамини шундай яшасалар бўлмаши экан?

Донишмандлардан бири: "Биз бу дунёга бир парча кафанлик ишлаб топиш учун келганмиз", деган экан. Топадиганимиз оқибатда ҳаммамизга насиб этувчи шу нарса экан, талашмоқдан, зулм қилмоқдан, зулм кўрмоқдан қандай наф бор?

Демоқчиманки, тарихан ёки қиёмат кундаги вақт ўлчовига нисбатан сониядан ҳам оз бир миқдорда кечадиган умримизда меҳр-муҳаббат билан яшамоқлик саодатига етишмоқлик барчамизга насиб этсин. Қиёматда, ҳисоб-китоб кунда бир-биримизга кўрсатган шу меҳр-оқибат ўзимизга шафоат бўлар, инша Аллоҳ!

* * *

Муҳаббатсиз қалб тош қалбдир. Танграм тош қалбларга зинҳор назар солмас экан. Шунга кўра, қалбимиз уйини Аллоҳга бўлган ишқимиз билан тузатмоғимиз-беамоғимиз лозим экан. Инсон вайрона қалбини фақат муҳаббат билангина обод этмоғи мумкин.

* * *

Бахт ҳақида кўп сўрайдилар.

Ҳар ким бахтни ўзича кўради. Ўз қаричи билан ўлчайди. Менинг бахтим бошқа одам учун шунчаки арзimas бир нарса бўлиб туюлар. Қоғоз-қалам билан ўтган тунларим мен учун бахтли лаҳзалардир. Менга куйинадиган дўстларим: "Тирикчилик ваҳидан ухламайди, бечора", дейишади. Мен эсам, бошқаларга ачинаман. Менга бир нарса аниқ: бахт бевафо нарса - келаверади, кетаверади. "Бахт қуши" деган таъбирнинг мавжудлиги бежиз эмас-да. Қуш ҳеч маҳал бир ерда узоқ кўниб ўтирмайди. Бахт ҳам шу, кишига ҳамини йўлдош бўлавермайди. Шунданми, "Бахтиёрлик ичра сен бахтсизликка учрашдан кўрққин", дейишади. Бахтиёрлик кўп ҳолларда кишини худбинликка, манманликка етаклаши мумкин. Жар ёқасига келтиради ўзи ғойиб бўлади. Киши "Бахтим, қайдасан?" деб чапак чалиб қолавереди. Ҳаётдан маълумки, жарга қулаганлар кўп учрайди. Эси бутун одамлар эса, ўзини асраб қола олади. "Бахтингни қўлдан берма", деган гапни мен "Манманликка берилма, худбин бўлма", деган маънода тушунаман.

Бахт зарралардан ташкил топади. Масалан: эрталаб дастурхонимда нон туриши - бахт. Уни емай, исроф қилишлик эса, худбинлик. Ҳар тонг аҳли оиламни, кўни-қўшнимни, қариндошу дўстларимни соғомон кўришим — бахт. Улардан бирининг кўнглини оғритиш эса, худбинлик...

Заргар тилла зарраларини тўплаб, бир ажиб узук ясаса-ю, уни бир онда йўқотиб қўйса... Одам бахтини ана шундай машаққат билан топади, осонлик билан йўқотади. Бунга фақат ўзингина айбдор.

* * *

Кўплар телевизор орқали фарзандларини туғилган кунлари билан табриклашни урф қилди. Майли, бу ҳам кераксиз одатларнинг, бекорчи харажатларнинг бир кўриниши. Масаланинг бошқа томони

қизиқ: ҳамма боласига бахт, узоқ умр тилайди, ammo, ажабки, ҳеч ким фарзанду аржумандига Аллоҳдан имон, инсоф, виждон, ақл-идрок сўрамайди. Бола учун уларнинг зарурати йўқмикин?

Учликлар

* * *

*Кўзгудан ўпкалайвер,
Башаранг тўғри бўлса ҳам
Барибир алдайди бу кўзгу.*

* * *

*Савлат тўкиб турибди дарахт,
Умри ҳам узун — яшамоғи
мумкинмиш минг йил.
Нимани кутиб яшаркин бу
мевасиз дарахт?*

* * *

*Шамол эсаётир
Кузакнинг исини ҳайдаб,
Чумоли буни менадан яхши билади.*

* * *

*Чироққа урилиб
ўлди парвона.
Чироқни уриб синдирдилар.*

* * *

*Ўлимдан кўрқиб яшади бир умр.
Ўлим кўрқмай олиб кетди
Бир кунни уни.*

* * *

*Ўғлини кута-кута
Она ҳам ўтди зорланиб,
Энди ўғли шеър ёза бошлар
"Улуғ зот" дея.*

* * *

*Ҳарфлар бирлашиб сўз бўлар,
Сўзлар бирлашган жумла англаатар
маъно.
Қачон жумла бўламиз?*

* * *

*Ажнабий хатларни ўқитиш учун
Ҳовлиқиб изладинг тилмоч,
Аллоҳ ваҳийларини ўқийсан қачон?*

(Давами келгуси сонда)

Бошқотирма

1	А	Б	Д	У	Л	Л	О	Х		2	Т	3	С	4	Б	5					6	М	У	Ғ	Л	И	7	С
	У										Е	а	О															а
	М		8	д	М	М	а	Р	Ғ	Е	Л	М	Б				9	Т	О	10	Р		11	К	О	М	И	Л
	а										О	а	О				О		У								а	
	12	а	Е	13	И		14	Х	а	15	Ғ	16	Х	Р	У			17	У	Х		18	а		19	С	У	В
				Б		О		Ө	У		К	О							Р		Л						О	
20				О		21	С	а	Х	а	Р	а	22	М							а	23	У	К	М	а	Т	
								И				М																
24	У	е	т	а	к	и	а			25	и	д		26														

Буйига: 1. Расулудлоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг Инжилда хабар қилинган исмлари. 2. Тобора кам қўлланаётган аҳборот воситаси. 3. "Ер юзининг сайқали" дейилган шаҳар. 4. Илк муфтийнинг исми. 5. Ҳусайн Бойқаро шарафланган сифат. 7. Намоздаги суннатлардан бири. 9. "Буюк"нинг маънодоши. 10. Юлдуз. 13. Ҳаё. 14. Тааллуқли. 15. Қирғоқ. 16. Жаннат қизлари. 18. Ҳадисда "илм эшиги" деб сифатланган зот.

Энига: 1. Пайгамбаримизнинг оталари. 6. Қиёматда ажр-савобсиз қолувчи. 8. Намознинг суннатларидан бири. 9. Машшоқнинг иш қуроли. 11. Мукаммал. 12. "Тагин"нинг эски шакли. 14. Ут-уланнинг улиги. 17. Ҳақиқати Аллоҳгагина маълум. 19. Усиз ҳаёт йуқ. 20. Вакил. 21. Фазилатли пайт. 22. Аллоҳнинг нури. 23. Ҳакимлардан мерос. 24. Эркин, озод. 25. Фаросат. 26. Ғаззолий асари.

Тузувчи **Мухлиса ҲАБИБУЛЛОХ қизи,**

"Ҳадичаи Кубро" аёл-қизлар Ислому билим юрти толибаси

Бошқотирма жавоблари

2001 йил 4-сон

Буйига: 1. Мадина. 2. Арофот. 3. Қироат. 4. Остона. 5. Фотиҳа. 6. Андоза. 7. Бақара. 8. Ҳамкор. 16. Армон. 17. Авлиё. 18. Сирот. 19. Ислому. 25. Умат. 26. Ожиза. 27. Самад. 28. Анбар. 29. Ижара. 30. Товон. 31. Ишрат. 32. Амаки. 36. Ҳа. 37. От. 38. Оз. 39. Ун.

Энига: 9. Кавсар. 10. Идрис. 11. Осмон. 12. Аросат. 13. Ифтор. 14. Қобил. 15. Ҳожар. 20. Таврот. 21. Тавба. 22. Ақиқа. 23. Ансора. 24. Бухоро. 27. Саида. 29. Итоат. 31. Иморат. 33. Бирма. 34. Ибрат. 35. Овора. 40. Оттава. 41. Дутор. 42. Арзон. 43. Тандир.

Наманган шаҳар С. Адашев кўчаси 169-уйда яшовчи **Комилжон МУРОДУЛЛАЕВ** мазкур бошқотирмага тўғри жавоблар йўллаган.

Азиз замондош!

Аллоҳ таоло хоҳлаган бандаларини тўғри йўлга — Ҳидоятга бошлайди. Шу йўлда собитқадам қилади. Ақл эгалари бу неъматнинг бебаҳолигини яхши биладилар. Аллоҳ имонга мушарраф этдимиз, бас, энди уни тобора нурли, беғубор этиш зиммамиздаги улуғ бурчдир.

Азиз ватандош! Огоҳ бўлдингизки, яшашнинг асл маъноси ҳақида сўз бормоқда. Дунё бир имтиҳон эканини эсласак, аҳволимиз ойдинлашади. Шу имтиҳондан ёруғ юз билан ўтишда **"Ҳидоят"** журнали Сизга имкон доирасида хизматини таклиф этмоқда. Обуна воситаси ила хонадонингизда тез дийдор кўришиб,

демакки, имонлашиб турсак, иншааллоҳ, кўзланган мақсадга соғ-омон етиб оламиз.

Мана, 2001 йилнинг ҳам охири кўриниб қолди. Биз журналистлар учун энг қийин ва масъулиятли дамлар — обуна мавсуми давом этмоқда. Хайрли ишларимизнинг давомийлиги кўпжihatдан Сизнинг муносабатингизга боғлиқ. Яъни, Сиздан ҳиммат, биздан хизмат. **Ўзингиз обуна бўлинг, ёр-биродарларингизга ҳам тавсия қилинг.**

Обунани барча алоқа бўлимларида ёки ён-атрофингиздаги масжидларда расмийлаштиришингиз мумкин. Нашр кўрсаткичимиз 1034.